

ISSN 218-8088

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

---

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

---

**Muassis:**

"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

**PUBLIC EDUCATION BULLETIN**

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

**2016**

**5-son**

(sentabr-oktabr)

Jurnal 2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi  
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

|   |   |
|---|---|
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining <b>2016-yil 28-iyun</b> dagi <b>“Bolalar musiqa va san’at maktablarning ta’lim yo’nalishlari bo’yicha o’quv rejalarini hamda o’quv rejalariga tushuntirishlarni tasdiqlash to’g’risida”</b> gi <b>163-sonli</b> buyrug’i ..... 4   |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining <b>2016-yil 13-iyul</b> dagi <b>“Ta’lim muassasalarini yangi o’quv yili, kuz-qish mavsumiga tayyorgarlik holatini o’rganish to’g’risida”</b> gi <b>179-sonli</b> buyrug’i ..... 40   |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining <b>2016-yil 20-iyul</b> <b>“O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi tizimidagi bolalar musiqa va san’at maktablarining namunaviy ustavini tasdiqlash haqida”</b> gi <b>186-sonli</b> buyrug’i ..... 51   |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining <b>2016-yil 4-avgust</b> dagi <b>“Xalq ta’limi vazirligi tizimidagi umumiy o’rta ta’lim maktablarining 5-9-sinf o’quvchilari o’rtasida “Maktab ligasi” sport musobaqalarini tizimli tashkillashtirish va o’tkazish to’g’risida”</b> gi <b>197-sonli</b> buyrug’i ..... 65  |
|    | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining <b>2016-yil 4-avgust</b> dagi <b>“O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi tizimidagi bolalar-o’smirlar sport maktabining trenerlar kengashi to’g’risidagi Namunaviy nizomni tasdiqlash haqida”</b> gi <b>198-sonli</b> buyrug’i ..... 73   |
|  | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining <b>2016-yil 16-avgust</b> dagi <b>“Ota-onasining qaramog’idan mahrum bo’lgan bolalarni ijtimoiy qo’llab-quvvatlash tizimini takomillashtirish to’g’risida”</b> gi <b>205-sonli</b> buyrug’i ..... 80   |
|  | O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining <b>2016-yil 30-avgust</b> dagi <b>“2016-2017-o’quv yilida umumiy o’rta ta’lim maktablari o’quvchilari o’rtasida “Umid nihollari” sport musobaqasining maktab, tuman (shahar) hamda Qoraqalpog’iston Respublikasi, Toshkent shahar va viloyat bosqichini o’tkazish to’g’risida”</b> gi <b>219-sonli</b> buyrug’i ..... 89 |

## KIRISH

“Jismoniy tarbiya va sport odamning irodasini tarbiyalab, sog‘lig‘ini mustahkamlashga hissa qo‘shsa, musiqa san‘ati uning ruhiga oziq beradi, qalbini, eng nozik tuyg‘ularini kamolga yetkazadi.

Musiqa eshitadigan, musiqa bilan shug‘ullanadigan odam yomonlikdan albatta uzoq bo‘ladi. Shuning uchun ham biz bolalar sporti obyektlarini qurish bilan birga, bolalar musiqa va san‘at maktablarini barpo etish masalasiga ham ustuvor vazifa sifatida alohida ahamiyat qaratib kelmoqdamiz”, degan edi O‘zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Karimov joriy yil 11-fevralda Oqсарoyda Bolalar sportini rivojlantirish jamg‘armasining navbatdagi yig‘ilishida.

Darhaqiqat, sport yoshlarni jismonan sog‘lom, ma‘nan yetuk bo‘lishiga xizmat qiladi. Jismoniy tarbiya bilan mintazam shug‘ullangan bola, irodali, qat‘iyatli, shijoatli va eng muhimi, darslarni puxta o‘zlashtiradi.

Shu ma‘noda xalq ta‘limi tizimida umumiy o‘rta ta‘lim maktablari o‘quvchilarini sportga oshno qilib voyaga yetkazishda davlatimiz va hukumatimiz tomonidan amalga oshirilayotgan ishlar tahsinga sazovor.

Axborotnomaning ushbu sonida O‘zbekiston Respublikasining “Jismoniy tarbiya va sport to‘g‘risida”gi qonuni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2009-yil 29-iyundagi 181-son “O‘quvchi va talaba yoshlarni sportga jalb qilishga qaratilgan uzluksiz respublika sport musobaqalarini o‘tkazish to‘g‘risida”gi qaroriga asosan Xalq ta‘limi vazirining 2016-yil 30-avgustdagi 2016-2017 o‘quv yilida umumiy o‘rta ta‘lim maktablari o‘quvchilari o‘rtasida “Umid nihollari” sport musobaqasining maktab, tuman (shahar) hamda Qoraqalpog‘iston Respublikasi, Toshkent shahar va viloyatlar bosqichlarini o‘tkazish to‘g‘risida”gi buyrug‘ida yoshlarni har jihatdan sog‘lom voyaga yetkazish belgilab berilgan.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasining “Ta‘lim to‘g‘risida”gi va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to‘g‘risida”gi qonunlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016-yil 5-maydagi 144-sonli “Bolalar musiqa va san‘at maktablari to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqidada”gi qaroriga asosan Xalq ta‘limi vazirining 2016-yil 28-iyundagi “Bolalar musiqa va san‘at maktablarining ta‘lim yo‘nalishlari bo‘yicha o‘quv rejalarini hamda o‘quv rejalariga tushuntirishlarni tasdiqlash to‘g‘risida”-gi buyrug‘i ham soha takomiliga xizmat qiladi.

Xullas, xalq ta‘limi tizimida qabul qilinanayotgan me‘yoriy-huquqiy hujjatlar ta‘lim samaradorligini oshirish bilan birga, yosh avlodni hech kimdan kam bo‘lmagan holda barkamol bo‘lib o‘sib-ulg‘ayishida muhim dasturilamaldir.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 28 июнь

163-сонли

**Б У Й Р У Қ И****БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ  
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ РЕЖАЛАРИНИ  
ҲАМДА ЎҚУВ РЕЖАЛАРИГА ТУШУНТИРИШЛАРНИ  
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сонли “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига асосан

**БУЮРАМАН:**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари ҳамда ўқув режаларига тушунтиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб амалиётга жорий этилсин.

2. Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев), вазирликнинг ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) болалар мусиқа ва санъат мактабларининг таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари ва ўқув режаларига тушунтиришларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари ҳамда ўқув режаларига тушунтиришларни август кенгашларида ва бевосита педагогик йиғилишларда кенг муҳокама этиш;

ўқув жараёнини болалар мусиқа ва санъат мактабларининг таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари ҳамда ўқув режаларига

тушунтиришларга асосан 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиш вазифалари топширилсин.

4. “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририятига 10 кун муддатда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари ҳамда ўқув режаларига тушунтиришларини ушбу газеталарда чоп этиш тавсия этилсин.

5. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2009 йил 29 августдаги 239-сон “Мусиқа ва санъат таълим муассасалари учун 2009-2010 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида” буйруғига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д. Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирининг  
2016 йил 28 июндаги 163-сон буйруғига  
1-илова

**Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг таълим  
йўналишлари бўйича ўқув режалари ҳамда ўқув режаларига  
тушунтиришлар**

**I. Фортепиано йўналиши бўйича ўқув режа  
(ўқиш муддати 7 (8) йил)**

| Т/р                     | Фанларнинг номланиши                           | Ҳафталик ўқув соатлари |            |            |            |            |            |           |          | Умумий соатлар  | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-------------------------|--|------------------------|------------|------------|------------|------------|------------|-----------|----------|-----------------|------------------------------|
|                         |  | Синфлар                |            |            |            |            |            |           |          |                 |                              |
|                         |  | 1                      | 2          | 3          | 4          | 5          | 6          | 7         | (8)      |                 |                              |
| 1.                      | Мутахассислик                                  | 2                      | 2          | 2          | 2          | 2          | 2          | 3         | 2        | 510/68          | 4-,7-синф                    |
| 2.                      | Сольфеджио                                     | 1,5                    | 1,5        | 1,5        | 1,5        | 1,5        | 1,5        | 2         |          | 374             | 4-,7-синф                    |
| 3.                      | Жамоа ижрочилиги (хор, вокал ансамбль турлари) | 1                      | 1          | 2          | 2          | 2          | 2          | 2.        |          | 408             |                              |
| 4.                      | Нотани варақдан ўқиш                           |                        | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5       |          | 102             |                              |
| 5.                      | Ансамбль                                       |                        | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5       |          | 102             |                              |
| 6.                      | Аккомпанемент                                  |                        |            |            |            | 1          | 1          | 1         | 1        | 102/34          | 7-синф                       |
| 7.                      | Хорижий ва МДХ халқлари мусиқа адабиёти        |                        |            |            | 1          | 1          |            |           |          | 68              | 5-синф                       |
| 8.                      | Жаҳон санъат тарихи ва ўзбек мусиқа адабиёти   |                        |            |            |            |            | 1          | 1         |          | 68              | 7-синф                       |
| 9.                      | Танланган фан                                  |                        | 1          | 1          | 1          | 1          | 1          | 1         | 1        | 204/34          |                              |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |  | <b>4,5</b>             | <b>6,5</b> | <b>7,5</b> | <b>8,5</b> | <b>9,5</b> | <b>9,5</b> | <b>11</b> | <b>4</b> | <b>1938/136</b> |                              |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг эзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган син-

фини инобатга олган ҳолда асосий 7 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 8-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 8-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилади.

\* I-III ва V-VI синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти ва хор фанидан назорат дарслари ўтказилади ҳамда баҳоланади. Мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида ансамбль, аккомпанемент, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (заҳёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

### **Фортепиано йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-IV синф ўқувчилари бошланғич, V-VII (VIII) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио ва мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги: хор, вокал ансамбль турлари (трио, квартет ва бошқалар) жамоа сифатида шаклланади. Хор қатнашчиларининг сони 10-12, вокал ансамбль қатнашчиларининг сони 6-8 гача тузилиши мумкин. Хор ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари хорнинг кичик ва катта гуруҳлар билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳдаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастури талабларини инобатга олган ҳолда торли чолғулар ва 7 йиллик эстрада ижрочилиги билан) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (8-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчига 50 фоиз миқдориди иш ҳақи тўланади.

6. Мутахассислик, ансамбль, аккомпанемент, танланган фан ва нотани варақдан ўқиш фанлари яқка тартибда ўтказилади. Нотани варақдан ўқиш дарс соатларини мутахассислик фани ўқитувчиси олиб бориши шарт.

7. Аккомпанемент, жамоа ижрочилиги, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстер (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

8. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- муסיқа назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;
- бадиҳагўйлик (импровизация);
- дирижёрлик бошланғич асослари;
- вокал ансамбли;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);
- театр санъати;
- тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- амалий санъат ( амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестивалъ, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

**II. Торли чолғулар йўналиши бўйича ўқув режа  
(ўқиш муддати 7 (8) йил)**

| Т/р                     | Фанларнинг номланиши  | Ҳафталик ўқув соатлари |          |            |            |            |            |           |          | Умумий соатлар  | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-------------------------|---|------------------------|----------|------------|------------|------------|------------|-----------|----------|-----------------|------------------------------|
|                         |   | Синфлар                |          |            |            |            |            |           |          |                 |                              |
|                         |   | 1                      | 2        | 3          | 4          | 5          | 6          | 7         | (8)      |                 |                              |
| 1.                      | Мутахассислик   | 2                      | 2        | 2          | 2          | 2          | 2          | 3         | 2        | 510/68          | 4-,7-синф                    |
| 2.                      | Сольфеджио  | 1,5                    | 1,5      | 1,5        | 1,5        | 1,5        | 1,5        | 2         |          | 374             | 4-,7-синф                    |
| 3.                      | Жамоа ижрочилиги: (хор, оркестр, унисон, квартет ва бошқалар) | 1                      | 1        | 2          | 2          | 2          | 2          | 2         |          | 408             |                              |
| 4.                      | Умумий фортепиано   | 0,5                    | 0,5      | 1          | 1          | 1          | 1          | 1         |          | 204             |                              |
| 5.                      | Нотани варақдан ўқиш  |                        | 0,5      | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5       |          | 102             |                              |
| 6.                      | Ансамбль  |                        | 0,5      | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5        | 0,5       | 1        | 102/34          | 7-синф                       |
| 7.                      | Хорижий ва МДХ халқлари мусиқа адабиёти                       |                        |          |            | 1          | 1          |            |           |          | 68              | 5-синф                       |
| 8.                      | Жаҳон санъат тарихи ва ўзбек мусиқа адабиёти                  |                        |          |            |            |            |            | 1         | 1        | 68              | 7-синф                       |
| 9.                      | Танланган фан   |                        | 1        | 1          | 1          | 1          | 1          | 1         | 1        | 204/34          |                              |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |   | <b>5</b>               | <b>7</b> | <b>8,5</b> | <b>9,5</b> | <b>9,5</b> | <b>9,5</b> | <b>11</b> | <b>4</b> | <b>2040/136</b> |                              |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфини инобатга олган ҳолда асосий 7 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 8-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 8-синфда ўтиладиغان дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* I-III ва V-VI синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти, хор фанидан назорат дарслари ўтказилади ҳамда баҳоланади. Мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

*Ўқув йилининг ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида умумий фортепиано, ансамбль, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (заҳёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.*

### **Торли чолғулар йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-IV синф ўқувчилари бошланғич, V-VII (VIII) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио ва мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги: хор, оркестр, ансамбль (унисон, трио, квартет, квинтет) жамоалари сифатида шаклланади. Хор, оркестр қатнашчиларининг сони 10-12, ансамбль (унисон) қатнашчилари сони 6-8 гача тузилиши мумкин. Хор, оркестр ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари оркестр ёки хорнинг кичик ва катта гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инobat-га олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳдаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастури талабларини инobatга олган ҳолда фортепиано ва 7 йиллик эстрада ижрочилиги билан) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (8-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчига 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

6. Мутахассислик, ансамбль, танланган фан ва нотани варақдан ўқиш фанлари яқка тартибда ўтказилади. Нотани варақдан ўқиш дарс соатларини мутахассислик фани ўқитувчиси олиб бориши шарт.

7. Мутахассислик фани бўйича умумий соатларнинг 50 фоиз ҳисобидан концертмейстер соатлари ажратилади. Мутахассислик фани ўқитувчиси концертмейстерликни ўзи бажарса (фортепиано), у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

8. Ансамбль, жамоа ижрочилиги, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концерт-мейстерлик (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

9. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- муסיқа назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;
- бадиҳагўйлик (импровизация);
- дирижёрлик бошлангич асослари;
- вокал ансамбли;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);

- театр санъати;
- тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

- амалий санъат (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестиваль, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида ота-оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан мактабдаги жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

### III. Халқ чолғулари, баян, аккордеон, гитара, дамли ва зарбли чолғулар йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)

| Т/р | Фанларнинг номланиши | Ҳафталик ўқув соатлари |     |     |     |   |     | Умумий соатлар | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-----|----------------------|------------------------|-----|-----|-----|---|-----|----------------|------------------------------|
|     |                      | Синфлар                |     |     |     |   |     |                |                              |
|     |                      | 1                      | 2   | 3   | 4   | 5 | (6) |                |                              |
| 1.  | Мутахассислик        | 2                      | 2   | 2   | 2   | 3 | 2   | 374/68         | 2-,5-синф                    |
| 2.  | Сольфеджио           | 1,5                    | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 |     | 272            | 2-,5-синф                    |

|                          |   |          |          |            |            |           |          |                 |        |
|--------------------------|---|----------|----------|------------|------------|-----------|----------|-----------------|--------|
| 3.                       | Жамоа ижрочилиги (хор, оркестр, ансамбль турлари) | 1        | 2        | 2          | 2          | 2         |          | <b>306</b>      |        |
| 4.                       | Нотани варақдан ўқиш                              |          | 0,5      | 0,5        | 0,5        | 0,5       |          | <b>68</b>       |        |
| 5.                       | Ансамбль  |          | 0,5      | 0,5        | 0,5        | 0,5       | <b>1</b> | <b>68/34</b>    |        |
| 6.                       | Умумий фортепиано                                 | 0,5      | 0,5      | 1          | 1          | 1         |          | <b>136</b>      |        |
| 7.                       | Хорижий ва МДХ халқлари мусиқа адабиёти           |          | 1        | 1          |            |           |          | <b>68</b>       | 3-синф |
| 8.                       | Жаҳон санъат тарихи ва Ўзбек мусиқа адабиёти      |          |          |            | 1          | 1         |          | <b>68</b>       | 5-синф |
| 9.                       | Танланган фан                                     |          | 1        | 1          | 1          | 1         | 1        | <b>136/34</b>   |        |
| <b>Хафталик соатлари</b> |   | <b>5</b> | <b>9</b> | <b>9,5</b> | <b>9,5</b> | <b>11</b> | <b>4</b> | <b>1496/136</b> |        |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфни инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* I ва III-IV синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти, хор фанидан назорат дарслари, мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида умумий фортепиано, ансамбль, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (зачёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

## **Халқ чолғулари, баян, аккордсон, гитара, дамли ва зарбли чолғулар йўналиши ўқув режасига тушунтиришлар**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио ва мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги: хор, оркестр, ансамбль (трио, кваттет ва бошқалар) жамоалари сифатида шаклланади. Хор ва оркестр қатнашчиларининг сони 10-12, вокал, созандалар ансамбли қатнашчилари сони 6-8 гача бўлиши мумкин. Хор, оркестр ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари оркестр ёки хорнинг кичик ва катта гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инobat-га олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастурнинг талабларини инobatга олган ҳолда 5 йиллик эстрада ижрочилиги билан) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (6-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда, гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчи ва концертмейстерларга 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

6. Мутахассис, ансамбль, умумий фортепиано, танланган фан ва нотани варақдан ўқиш фанлари якка тартибда ўтказилади. Нотани варақдан ўқиш дарс соатларини мутахассислик фани ўқитувчиси олиб бориши шарт.

7. Мутахассислик фани бўйича умумий соатларнинг 50 фоиз хисобидан концертмейстер соатлари ажратилади. Ансамбль, жамоа ижрочилиги, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик соатлари ажратилади.

8. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- муסיқа назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;
- бадиҳагўйлик (импровизация);
- дирижёрлик бошланғич асослари;
- вокал ансамбли;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);
- театр санъати;
- тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- амалий санъат (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестиваль, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида отоналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

#### IV. Анъанавий чолғулар йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)

| Т/р | Фанларнинг номланиши                       | Ҳафталик ўқув соатлари |     |     |     |   |     | Умумий соатлар | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-----|--|------------------------|-----|-----|-----|---|-----|----------------|------------------------------|
|     |  | Синфлар                |     |     |     |   |     |                |                              |
|     |  | 1                      | 2   | 3   | 4   | 5 | (6) |                |                              |
| 1.  | Мутахассислик                              | 2                      | 2   | 2   | 2   |   | 2   | <b>374/68</b>  | 2-,5-синф                    |
| 2.  | Сольфеджио                                 | 1,5                    | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 |     | <b>272</b>     | 2-,5-синф                    |
| 3.  | Жамоа ижрочилиги (мақом ансамбли ва бошқа) | 1                      | 1   | 1   | 1   | 1 |     | <b>170</b>     |                              |

|                         |  |          |          |            |            |           |          |                 |           |
|-------------------------|--|----------|----------|------------|------------|-----------|----------|-----------------|-----------|
| 4.                      | Хорижий ва МДХ халқлари мусиқа адабиёти          |          | 1        | 1          |            |           |          | 68              | 3-синф    |
| 5.                      | Жаҳон санъат тарихи ва Ўзбек мусиқа адабиёти     |          |          |            | 1          | 1         |          | 68              | 5-синф    |
| 6.                      | Фольклор ўйинларни тайёрлаш                      |          | 1        | 1          | 1          | 1         |          | 136             |           |
| 7.                      | Шашмақом, Тошкент-Фарғона йўллари, Хоразм мақоми |          | 1        | 1          | 1          | 1         | 1        | 136/34          | 5-синф    |
| 8.                      | Умумий фортепиано                                | 0,5      | 0,5      | 1          | 1          | 1         |          | 136             | 3-,5-синф |
| 9.                      | Танланган фан                                    |          | 1        | 1          | 1          | 1         | 1        | 136/34          |           |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |  | <b>5</b> | <b>9</b> | <b>9,5</b> | <b>9,5</b> | <b>11</b> | <b>2</b> | <b>1496/136</b> |           |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфни инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* I ва III-IV синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти ва хор фанидан назорат дарслари, мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида умумий фортепиано, ансамбль, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (зачёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

## Анъанавий чолғулар йўналиши бўйича ўқув режага тушинтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио, мусиқа адабиёти ва фольклор ўйинларни таъйёрлаш дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги турли ансамбллар шаклида (мақом ва бошқа) уюштирилиши, уларнинг қатнашчилар сони 6-8 гача тузилиши мумкин. Мақом ва фольклор ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари оркестр ёки ансамблларнинг кичик ва катта гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инobatга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастурнинг талабларини инobatга олган ҳолда) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (6-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда, гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчига 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

6. Мутахассислик, умумий фортепиано ва танланган яқка тартибда ўтказилади.

7. Мутахассислик фани умумий соатларининг 50 фоиз миқдорида концертмейстерлик (доира) соатлари ажратилади. Мутахассислик фани ўқитувчиси концертмейстерлик вазифасини ўзи бажарса, у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

8. Жамоа ижрочилиги, танланган фан (маълум бир чолғунинг) ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик соатлари ажратилади.

9. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- музика назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;
- бадиҳагўйлик (импровизация);
- дирижёрлик бошланғич асослари;
- вокал ансамбли;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);
- театр санъати;
- тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- амалий санъат (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестивал, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

#### V. Анъанавий хонандалик йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)

| Т/р | Фанларнинг номланиши                   | Ҳафталик ўқув соатлари |     |     |     |   |     | Умумий соатлар | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-----|--|------------------------|-----|-----|-----|---|-----|----------------|------------------------------|
|     |  | Синфлар                |     |     |     |   |     |                |                              |
|     |  | 1                      | 2   | 3   | 4   | 5 | (6) |                |                              |
| 1.  | Мутахассислик                          | 2                      | 2   | 2   | 2   | 3 | 2   | 374/68         | 2-,5-синф                    |
| 2.  | Сольфеджио                             | 1,5                    | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 |     | 272            | 2-,5-синф                    |
| 3.  | Жамоа ижроси (мақом ансамбли ва бошқа) | 1                      | 1   | 1   | 1   | 1 |     | 170            |                              |

|                         |  |          |          |            |            |           |          |                 |        |
|-------------------------|--|----------|----------|------------|------------|-----------|----------|-----------------|--------|
| 4.                      | Хорижий ва МДХ халқлари мусиқа адабиёти          |          | 1        | 1          |            |           |          | 68              | 5-синф |
| 5.                      | Жаҳон санъат тарихи ва Ўзбек мусиқа адабиёти     |          |          |            | 1          | 1         |          | 68              | 5-синф |
| 6.                      | Фольклор ўйинларни тайёрлаш                      |          | 1        | 1          | 1          | 1         |          | 136             |        |
| 7.                      | Шашмақом, Тошкент-Фарғона йўллари, Хоразм мақоми |          | 1        | 1          | 1          | 1         | 1        | 136             | 5-синф |
| 8.                      | Умумий фортепиано                                | 0,5      | 0,5      | 1          | 1          | 1         |          | 136             |        |
| 9.                      | Танланган фан                                    |          | 1        | 1          | 1          | 1         | 1        | 136/34          |        |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |  | <b>5</b> | <b>9</b> | <b>9.5</b> | <b>9,5</b> | <b>11</b> | <b>4</b> | <b>1496/136</b> |        |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфни инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* I ва III-IV синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти ва хор фанидан назорат дарслари, мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида умумий фортепиано, ансамбль, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (заъёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

### Анъанавий хонандалик йўналиши ўқув режасига тушунтириш хати

1. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио, мусиқа адабиёти, фольклор ўйинларни тайёрлаш дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги: турли ансамбллар шаклида (мақом ва бошқа) уюштирилиши, уларнинг қатнашчилар сони 6-8 гача тузилиши мумкин. Мақом ва бошқа ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан ошмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари оркестр ёки ансамбллар кичик ва катта гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастурнинг талабларини инобатга олган ҳолда) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (6-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда, ўқитувчи ва концертмейстерларга 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

6. Мутахассислик, умумий фортепиано ва танланган фанлар яқка тартибда ўтказилади.

7. Мутахассислик фани умумий соатларининг 100 фоиз миқдорида концертмейстерлик (халқ чолғуларидан бири) соатлари ажратилади. Мутахассислик фани ўқитувчиси концертмейстерлик вазифасини ўзи бажарса, у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

8. Жамоа ижрочилиги, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик соатлари ажратилади.

9. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- мусиқа назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;

- бадихагўйлик (импровизация);
- дирижёрлик бошланғич асослари;
- вокал ансамбли;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги бир маълум рақс);
  - театр санъати;
  - тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги бир маълум фан);
  - амалий санъат (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги бир маълум фан);
  - ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестиваль, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида отаналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

#### **VI. Эстрада хонандалиги йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)**

| Т/р | Фанларнинг номланиши                           | Ҳафталик ўқув соатлари |     |     |     |   |     | Умумий соатлар | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-----|--|------------------------|-----|-----|-----|---|-----|----------------|------------------------------|
|     |  | Синфлар                |     |     |     |   |     |                |                              |
|     |  | 1                      | 2   | 3   | 4   | 5 | (6) |                |                              |
| 1.  | Мутахассислик                                  | 2                      | 2   | 2   | 2   | 3 | 2   | <b>374/68</b>  | 2-5-синф                     |
| 2.  | Сольфеджио                                     | 1,5                    | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 |     | <b>272</b>     | 2-5-синф                     |
| 3.  | Жамоа ижрочилиги (хор, вокал ансамбли)         | 1                      | 1   | 2   | 2   | 2 |     | <b>272</b>     |                              |
| 4.  | Хорижий, МДХ халқлари ва ўзбек мусиқа адабиёти |                        | 1   | 1   |     |   |     | <b>68</b>      | 3-синф                       |
| 5.  | Жаҳон санъат тарихи, эстрада ва джаз тарихи    |                        |     |     | 1   | 1 |     | <b>68</b>      | 5-синф                       |

|                         |                    |            |            |           |           |             |          |                 |        |
|-------------------------|--------------------|------------|------------|-----------|-----------|-------------|----------|-----------------|--------|
| 6.                      | Актёрлик маҳорати  |            | 0,5        | 0,5       | 0,5       | 0,5         |          | <b>68</b>       |        |
| 7.                      | Овозни йўлга қўйиш | 0,5        | 1          | 1         | 1         | 1           | 1        | <b>153/34</b>   |        |
| 8.                      | Умумий фортепиано  | 0,5        | 0,5        | 1         | 1         | 1           |          | <b>136</b>      | 5-синф |
| 9.                      | Танланган фан      |            | 1          | 1         | 1         | 1           | 1        | <b>136/34</b>   |        |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |                    | <b>5,5</b> | <b>8,5</b> | <b>10</b> | <b>10</b> | <b>11,5</b> | <b>4</b> | <b>1447/136</b> |        |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфни инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* I ва III-IV синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти ва ҳор фанидан назорат дарслари, мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида умумий фортепиано, ансамбль, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (заҳёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

### **Эстрада хонандалиги йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио ва мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги: хор, ансамбль турлари (ВИА, трио, квартет, квинтет) жамоалари сифатида шаклланади. Хор қатнашчилар сони 10-12, ансамбль қатнашчилар сони 6-8 гача бўлиши мумкин. Хор ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари хорнинг кичик ва катта гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инobat-га олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастурнинг талабларини инobatга олган ҳолда) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (6-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда, гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчи ва концертмейстерларга 50 фоиз миқдорда ҳақ тўланади.

6. Мутахассислик, овозни йўлга қўйиш, танланган фан ва актёрлик маҳорати фанлари якка тартибда ўтказилади.

7. Мутахассислик, актёрлик маҳорати, овозни йўлга қўйиш, жамоа ижрочилиги, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик соатлари ажратилади.

8. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- мусиқа назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;
- бадиҳагўйлик (импровизация);
- дирижёрлик бошланғич асослари;
- вокал ансамбли;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);
- театр санъати;
- тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлими ўқув режасидаги маълум бир фан);
- амалий санъат (амалий санъат бўлими ўқув режасидаги маълум бир фан);
- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестиваль, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

**VII. Академик хонандалик йўналиши ўқув режа  
(ўқиш муддати 5 (6) йил)**

| Т/р                     | Фанларнинг номланиши                         | Ҳафталик ўқув соатлари |            |          |          |             |          | Умумий соатлар  | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-------------------------|--|------------------------|------------|----------|----------|-------------|----------|-----------------|------------------------------|
|                         |  | Синфлар                |            |          |          |             |          |                 |                              |
|                         |  | 1                      | 2          | 3        | 4        | 5           | (6)      |                 |                              |
| 1.                      | Мутахассислик                                | 2                      | 2          | 2        | 2        | 3           | 2        | 374/68          | 2-,5-синф                    |
| 2.                      | Сольфеджио                                   | 1,5                    | 1,5        | 1,5      | 1,5      | 2           |          | 272             | 2-,5-синф                    |
| 3.                      | Жамоа ижрочилиги (хор, вокал ансамбли)       | 1                      | 1          | 2        | 2        | 2           |          | 272             |                              |
| 4.                      | Хорижий ва МДХ халқлари мусиқа адабиёти      |                        | 1          | 1        |          |             |          | 68              | 3-синф                       |
| 5.                      | Жаҳон санъат тарихи ва ўзбек мусиқа адабиёти |                        |            |          | 1        | 1           |          | 68              | 5-синф                       |
| 6.                      | Актёрлик маҳорати                            |                        | 0,5        | 0,5      | 0,5      | 0,5         |          | 68              |                              |
| 7.                      | Овозни йўлга қўйиш                           | 0,5                    | 1          | 1        | 1        | 1           | 1        | 153/34          |                              |
| 8.                      | Умумий фортепиано                            | 0,5                    | 0,5        | 1        | 1        | 1           |          | 136             |                              |
| 9.                      | Танланган фан                                |                        | 1          | 1        | 1        | 1           | 1        | 136/34          |                              |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |  | <b>5,5</b>             | <b>7,5</b> | <b>9</b> | <b>9</b> | <b>11,5</b> | <b>4</b> | <b>1547/136</b> |                              |

*Изоҳ: Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда она-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабидаги ўқиш муддати-ни инобатга олган ҳолда асосий 5-синфни тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.*

*\* I va III-IV sinflarda ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти ва хор фанидан назорат дарслари, мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.*

*Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида умумий фортепиано, ансамбль, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (заҳёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.*

### **Академик хонандалик йўналиши ўқув режасига тушунтириш хати**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио ва мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги: хор, ансамбль турлари (трио, кваттет, квинтет) жамоалари сифатида шаклланади. Хор қатнашчиларининг сони 10-12, ансамбль қатнашчилари сони 6-8 гача тузилиши мумкин. Хор ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари хорнинг кичик ва катта гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инobatга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастурнинг талабларини инobatга олган ҳолда) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (6-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчи ва концертмейстерларга 50 фоиз миқдорида иш ҳақи тўланади.

6. Мутахассислик, актёрлик маҳорати, танланган фан ва овозни йўлга қўйиш фанлари яқка тартибда ўтказилади.

7. Мутахассислик, актёрлик маҳорати, овозни йўлга қўйиш, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонан-

далик), жамоа ижрочилиги ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларининг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик соатлари ажратилади.

8. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- мусиқа назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;
- бадиҳагўйлик (импровизация);
- дирижёрлик бошланғич асослари;
- вокал ансамбли;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);
- театр санъати;
- тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- амалий санъат (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестиваль, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида ота-оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

### VIII. Дамли ва зарбли чолғулар бўйича эстрада ижрочилиги йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)

| Т/р | Фанларнинг номланиши | Ҳафталик ўқув соатлари |     |     |     |   |     | Умумий соатлар | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-----|----------------------|------------------------|-----|-----|-----|---|-----|----------------|------------------------------|
|     |                      | Синфлар                |     |     |     |   |     |                |                              |
|     |                      | 1                      | 2   | 3   | 4   | 5 | (6) |                |                              |
| 1.  | Мутахассислик        | 2                      | 2   | 2   | 2   | 3 | 2   | 374/68         | 2-,5-синф                    |
| 2.  | Сольфеджио           | 1,5                    | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2 |     | 272            | 2-,5-синф                    |

|                         |  |          |            |          |           |             |          |                 |        |
|-------------------------|--|----------|------------|----------|-----------|-------------|----------|-----------------|--------|
| 3.                      | Жамоа ижрочилиги (хор, оркестр)              | 1        | 1          | 2        | 2         | 2           |          | 272             |        |
| 4.                      | Хорижий ва МДХ халқлари мусиқа адабиёти      |          | 1          | 1        |           |             |          | 68              | 3-синф |
| 5.                      | Жаҳон санъат тарихи ва Ўзбек мусиқа адабиёти |          |            |          | 1         | 1           |          | 68              | 5-синф |
| 6.                      | Ансамбль                                     |          | 0,5        | 0,5      | 0,5       | 0,5         |          | 68              |        |
| 7.                      | Эстрада тарихи                               |          |            |          | 1         | 1           |          | 68              |        |
| 8.                      | Умумий фортепиано                            | 0,5      | 0,5        | 1        | 1         | 1           | 1        | 136/34          | 5-синф |
| 9.                      | Танланган фан                                |          | 1          | 1        | 1         | 1           | 1        | 136/34          |        |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |  | <b>5</b> | <b>7,5</b> | <b>9</b> | <b>10</b> | <b>11,5</b> | <b>4</b> | <b>1462/136</b> |        |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфни инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар кўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* I-IV синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти ва хор фанидан назорат дарслари, мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида умумий фортепиано, ансамбль, танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (заҳёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

### **Дамли ва зарбли чолғулар йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио, мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги хор, оркестр, ансамбль турлари (ВИА, трио, квартет ва бошқалар) жамоалари сифатида шаклланади. Хор, оркестр қатнашчиларининг сони 10-12, ансамбль қатнашчилар сони 6-8 гача тузилиши мумкин. Хор, оркестр ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари оркестр ёки хорнинг кичик ва катта гуруҳлари билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳдаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастурнинг талабларини инобатга олган ҳолда 5 йиллик академик ижрочилиги билан) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (6-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

3. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда, гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчига 50 фоиз миқдорда ҳақ тўланади.

6. Мутахассислик, ансамбль, умумий фортепиано, танланган фан ва нотани варақдан ўқиш фанлари якка тартибда ўтказилади. Нотани варақдан ўқиш фанини мутахассислик фани ўқитувчиси олиб бориши шарт.

7. Мутахассислик фани бўйича умумий соатларнинг 50 фоиз ҳисобидан концертмейстер соатлари ажратилади. Ансамбль, жамоа ижрочилиги, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик соатлари ажратилади.

8. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- мусиқа назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;
- бадиҳагўйлик (импровизация);
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;

- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);

- театр санъати;

- тасвирий санъати (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

- амалий санъати (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестиваль, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

### IX. Эстрада ижрочилиги фортепиано ва торли чолғулар йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 7 (8) йил)

| Т/р | Фанларнинг номланиши                              | Ҳафталик ўқув соатлари |     |     |     |     |     |     |     | Умумий соатлар | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-----|---|------------------------|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|----------------|------------------------------|
|     |   | Синфлар                |     |     |     |     |     |     |     |                |                              |
|     |   | 1                      | 2   | 3   | 4   | 5   | 6   | 7   | (8) |                |                              |
| 1.  | Мутахассислик                                     | 2                      | 2   | 2   | 2   | 2   | 2   | 3   | 2   | 510/68         | 4-,7-синф                    |
| 2.  | Сольфеджио  | 1,5                    | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 1,5 | 2   |     | 374            | 4-,7-синф                    |
| 3.  | Жамоа ижрочилиги (хор, оркестр, ансамбль, унисон) | 1                      | 1   | 2   | 2   | 2   | 2   | 2   |     | 408            |                              |
| 4.  | Умумий фортепиано (торли)                         | 0,5                    | 1   | 1   | 1   | 1   | 1   | 1   |     | 221            | 7-синф                       |
| 5.  | Нотани варақдан ўқиш                              |                        | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |     | 102            |                              |
| 6.  | Ансамбль  |                        | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |     | 102            |                              |
| 7.  | Аккомпанемент (пианиночиларга)                    |                        |     |     |     | 1   | 1   | 1   | 1   | 102/34         | 7-синф                       |
| 8.  | Хорижий ва МДХ халқлари мусиқа адабиёти           |                        |     |     | 1   | 1   |     |     |     | 68             | 5-синф                       |

|                         |                       |          |          |            |            |             |             |           |          |                 |
|-------------------------|-----------------------|----------|----------|------------|------------|-------------|-------------|-----------|----------|-----------------|
| 9.                      | Ўзбек мусиқа адабиёти |          |          |            |            | 1           | 1           |           | 68       | 7-синф          |
| 10.                     | Эстрада тарихи        |          |          |            |            | 1           | 1           |           | 68       | 7-синф          |
| 11.                     | Танланган фан         |          | 1        | 1          | 1          | 1           | 1           | 1         | 204/34   |                 |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |                       | <b>5</b> | <b>7</b> | <b>8.5</b> | <b>9.5</b> | <b>10.5</b> | <b>11.5</b> | <b>13</b> | <b>4</b> | <b>2239/136</b> |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфни инобатга олган ҳолда асосий 7 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар кўшимча 8-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 8-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* I-III ва V-VI синфларда ўқув йили ярми ва якунида сольфеджио, мусиқа адабиёти, хор фанидан назорат дарслари ўтказилади ва баҳоланади. Мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) академик концертлар шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида умумий фортепиано, ансамбль ва танлаган фанлар бўйича назорат дарслари (заҳёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

### **Эстрада ижрочилиги фортепиано ва торли чолғулар йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-IV синф ўқувчилари бошланғич, V-VII (VIII) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Сольфеджио ва мусиқа адабиёти дарсларида гуруҳлар ўрта ҳисобда 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Жамоа ижрочилиги: хор, оркестр, ансамбль турлари (унисон, трио, квартет ва б.) жамоалари сифатида шаклланади. Хор, оркестр қатнашчиларининг сони 10-12, ансамбль қатнашчилар сони 6-8 гача тузилиши мумкин. Хор, оркестр ва ансамбль жамоалари бир вақтда ташкил қилинганда жамоа ижрочилиги дарсининг соатлари белгиланган ҳажмдан оширилмаган ҳолда тақсимланади. Дарс жадвалидаги машғулотлардан ташқари оркестр ёки хорнинг кичик ва катта гуруҳлар билан алоҳида ҳар ойда бир марта 2 соат йиғма машғулот ўтказилади.

Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини инобатга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

4. Гуруҳдаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари бошқа бўлимлардаги гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастурнинг талабларини инобатга олган ҳолда 7 йиллик академик ижрочилиги билан) қўшилиши лозим. Шунингдек, келажакда мусиқа ва санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (8-синф) битирувчи синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда, гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчи ва концертмейстерларга 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

6. Мутахассис, аккомпанемент, ансамбль, танланган фан ва нотани варақдан ўқиш фанлари яқка тартибда ўтказилади. Нотани варақдан ўқиш мутахассислик фани ўқитувчиси олиб бориши шарт.

7. Мутахассислик (торли чолғулар) фани бўйича умумий соатларнинг 50 фоиз ҳисобидан концертмейстер соатлари ажратилади. Мутахассислик фани ўқитувчиси концертмейстерликни ўзи бажарса (фортепиано), у ҳолда унга шу дарсларга мўлжалланган концертмейстерлик соатларининг 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

8. Аккомпанемент (фортепиано чолғуси), ансамбль (торли чолғулар). жамоа ижрочилиги, танланган фан (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) ва йиғма машғулотлар бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

9. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- сольфеджио;
- мусиқа назарияси;
- ритмика;
- бастакорлик;
- бадиҳагўйлик (импровизация);
- дирижёрлик бошланғич асослари;
- вокал ансамбли;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);
- театр санъати;
- тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

- амалий санъат (амалий санъат бўлимнинг ўқув режасидаги маълум бир фан);

- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестиваль, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида ота-оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

### Х. Тасвирий санъат йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)

| Т/р                     | Фанларнинг номланиши         | Ҳафталик ўқув соатлари |           |           |           |           |          | Умумий соатлар   | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-------------------------|------------------------------|------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|----------|------------------|------------------------------|
|                         |                              | Синфлар                |           |           |           |           |          |                  |                              |
|                         |                              | 1                      | 2         | 3         | 4         | 5         | (6)      |                  |                              |
| 1.                      | Мутахассислик (чизма тасвир) | 2                      | 2         | 3         | 4         | 4         | 4        | 510/136          | 1-5-синф                     |
| 2.                      | Ранг тасвир                  | 2                      | 2         | 2         | 2         | 2         |          | 340              | 1-5-синф                     |
| 3.                      | Композиция (дастгоҳли)       | 1                      | 1         | 1         | 1         | 1         |          | 170              | 1-5-синф                     |
| 4.                      | Композиция (амалий)          | 1                      | 1         | 1         | 1         | 1         |          | 170              | 1-5-синф                     |
| 5.                      | Ҳайкалтарошлик               | 2                      | 2         | 2         | 2         | 2         |          | 340              | 1-5-синф                     |
| 6.                      | Тасвирий санъат тарихи       |                        | 1         | 1         | 1         | 1         |          | 136              |                              |
| 7.                      | Компьютер графикаси          | 1                      | 1         | 1         | 1         | 1         |          | 170              |                              |
| 8.                      | Танланган фан                |                        | 1         | 1         | 1         | 1         | 1        | 136/34           | 4-5-синф                     |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |                              | <b>9</b>               | <b>11</b> | <b>12</b> | <b>13</b> | <b>13</b> | <b>5</b> | <b>1972 /170</b> |                              |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфни инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида имтиҳонлар (мастер-класс шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

## Тасвирий санъат йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Тасвирий санъат бўлимида дарслар гуруҳли тартибда ўтказилади. Гуруҳларда ўқувчилар сони ўрта ҳисобда 5-7 нафарни ташкил қилади.

3. Гуруҳлардаги бола сони камайганда шу синф ўқувчилари амалий санъат бўлими гуруҳ ўқувчилари билан (ўқув дастурнинг талабларини инобатга олган ҳолда) қўшилиши лозим. Шунингдек, гуруҳларда ўқувчилар сони камайса, истисно тариқасида бошланғич ёки юқори синф ўқувчиларини бирга қўшган ҳолда машғулотлар ўтказилишига рухсат этилади. Келажакда тасвирий санъат соҳаси бўйича ўқишни давом эттиришни хоҳлаган ўқувчилар (6-синф) битирув синф гуруҳларига киритилиши мумкин.

4. Гуруҳларда ўқувчилар сони 4 нафаргача бўлса ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ ба- жарилган ҳолда гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчига 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

5. Кузги, қишки, баҳорги ва ёзги (15 июнгача қадар) таътиллار давомида (умумий вақт 2 hafta) ўқитувчи раҳбарлигида ўқув амалиёти машғулотлари ўтказилади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди сентябрдан - майгача).

6. Танланган фан якка тартибда ўтказилади.

7. Танланган фанлар (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

8. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- компьютер графикаси;
- наққошлик, ганч, зардўзлик, попоп, мисгарлик;
- бадийий фото;
- театр санъати;
- дизайн;
- маълум бир чолғуни ўрганиш;

- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);

- театр санъати;

- амалий санъат (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

- мутахассислик маҳоратини ошириш фани кўрик-танлов, фести-  
валь, мастер-классларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва  
юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида  
ота-оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти  
томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми  
учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгар-  
майди).

### XI. Амалий санъат йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)

| Т/р                     | Фанларнинг<br>номланиши  | Ҳафталик ўқув соатлари |           |           |           |           |          | Умумий<br>соатлар | Имтиҳон<br>(ўқув<br>йили<br>яқунда)* |
|-------------------------|--|------------------------|-----------|-----------|-----------|-----------|----------|-------------------|--------------------------------------|
|                         |  | Синфлар                |           |           |           |           |          |                   |                                      |
|                         |  | 1                      | 2         | 3         | 4         | 5         | (6)      |                   |                                      |
| 1.                      | Мутахассислик  | 2                      | 2         | 3         | 4         | 4         | 4        | <b>510/136</b>    | 2-5-синф                             |
| 2.                      | Чизма тасвир   | 2                      | 2         | 2         | 2         | 2         |          | <b>340</b>        | 2-5-синф                             |
| 3                       | Ранг тасвир  | 2                      | 2         | 2         | 2         | 2         |          | <b>340</b>        | 2-5-синф                             |
| 4.                      | Композиция<br>(дастгоҳли)                                      | 1                      | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>170</b>        | 2-5-синф                             |
| 5.                      | Композиция<br>(амалий)   | 1                      | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>170</b>        | 2-5-синф                             |
| 6.                      | Ҳайкалтарошлик   | 1                      | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>170</b>        | 2-5-синф                             |
| 7.                      | Жаҳон санъат<br>тарихи, Тасвирий<br>ва амалий санъат<br>тарихи |                        | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>136</b>        | 3-5-синф                             |
| 8.                      | Танланган фан  |                        | 1         | 1         | 1         | 1         | 1        | <b>136/34</b>     |                                      |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |  | <b>9</b>               | <b>11</b> | <b>12</b> | <b>13</b> | <b>13</b> | <b>5</b> | <b>1972/170</b>   |                                      |

**Изоҳ:** *Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг  
ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган син-  
фини инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини  
тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттириш-*

лари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* Ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида бўлимнинг барча синфларида имтиҳонлар (мастер-класс шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

### **Амалий санъат йўналиши ўқув режасига тушунтириш хати**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларида амалий санъат бўлимида мутахассисликлар қуйидаги бадиий ёғоч ва ганч ўймакорлиги, металга бадиий ишлов бериш (кандакорлик, мисгарлик, заргарлик), бадиий тикиш (зардўзлик, каштачилик) турлари бўйича I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Амалий санъат бўлимининг гуруҳли дарсларида ўқувчилар сони ўрта ҳисобда 5-7 ўқувчидан иборат бўлиши мумкин.

3. Кузги, қишки, баҳорги ва ёзги (15 июнгача қадар) таътиллار давомида (умумий вақт 2 ҳафта) ўқитувчи раҳбарлигида ўқув амалиёти машғулоти ўтказилади (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди сентябрдан - майгача).

4. Гуруҳларда ўқувчилар сони камайса, истисно тариқасида бошланғич ёки юқори синф ўқувчиларини бирга қўшган ҳолда машғулотлар ўтказилишига рухсат этилади.

5. Гуруҳларда ўқувчилар сони 4 нафаргача бўлса ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчига 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

6. Танланган фанлар (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

7. Танланган фан яқка тартибда ўтказилади.

8. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- компьютер графикаси;
- наққошлик, ганч, зардўзлик, попоп, мисгарлик;
- бадиий фото;
- театр санъати;
- дизайн;
- маълум бир чолғуни ўрганиш;

- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);

- театр санъати;

- тасвирий санъат (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);

- мутахассислик маҳоратини ошириш фани кўрик-танлов, фести-  
валь, мастер-классларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва  
юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

9. Заруриятдан келиб чиққан ҳолда хайкалтарошлик фани-  
га белгиланган дарс соатларини амалий дарсларга алмаштириш  
мумкин.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида ота-  
оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томо-  
нидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун  
белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

## XII. Хореография йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)

| Т/р | Фанларнинг<br>номланиши                                   | Ҳафталик ўқув соатлари |       |     |     |     |     | Умумий<br>соатлар | Имтихон<br>(ўқув йили<br>яқунда)* |
|-----|---|------------------------|-------|-----|-----|-----|-----|-------------------|-----------------------------------|
|     |   | Синфлар                |       |     |     |     |     |                   |                                   |
|     |   | 1                      | 2     | 3   | 4   | 5   | (6) |                   |                                   |
| 1.  | Мумтоз рақс<br>(мутахассислик)                            | 2                      | 2     | 3   | 4   | 4   | 2   | 510/68            | 1-5-синф                          |
| 2.  | Ўзбек рақс  | 2                      | 2     | э   | 4   | 4   | 2   | 510/68            | 1-5-синф                          |
| 3.  | Ритмика ва<br>партер                                      | 1/0,5                  | 1/0,5 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |     | 153               | -                                 |
| 4.  | Халқ саҳна<br>рақси                                       |                        | 1     | 1   | 1   | 1   |     | 136               | 2-5-синф                          |
| 5.  | Тарихий-<br>маиший рақс                                   |                        | 1     | 1   |     |     |     | 68                | 2-3-синф                          |
| 6.  | Замонавий рақс  |                        |       | 1   | 1   | 1   |     | 102               | 3-5-синф                          |
| 7.  | Жаҳон санъат<br>тарихи, балет<br>ва ўзбек рақси<br>тарихи |                        | 1     | 1   | 1   | 1   |     | 136               | суҳбат                            |
| 8.  | Муסיқа саводи<br>ва мусиқа<br>тинглаш                     | 1                      | 1     | 1   | 1   | 1   |     | 170               |                                   |

|                         |                   |          |           |             |             |             |          |                 |          |
|-------------------------|-------------------|----------|-----------|-------------|-------------|-------------|----------|-----------------|----------|
| 9.                      | Умумий фортепиано | 0,5      | 0,5       | 1           | 1           | 1           |          | 136             | 2-5 синф |
| 10.                     | Танланган фан     |          | 1         | 1           | 1           | 1           | 1        | 136/34          |          |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |                   | <b>8</b> | <b>11</b> | <b>13.5</b> | <b>14,5</b> | <b>14,5</b> | <b>5</b> | <b>2057/170</b> |          |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфини инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* Ўқув йилининг биринчи ярмида мактабнинг барча синфларида ҳамма фанлар бўйича (ритмика ва партер, концерт дастурини тайёрлаш фанларидан ташқари) назорат дарслари (зачёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

Муסיқа саводи ва муסיқа тинглаш, танланган фанлар бўйича ўқув йилининг якунида ҳам назорат дарслари (зачёт шаклида) ўтказилади ва баҳоланади.

### **Хореография йўналиши бўйича ўқув режага тушунтиришлар**

1. Болалар муסיқа ва санъат мактабида I-II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Муסיқа саводи ва муסיқа тинглаш, мумтоз рақс, халқ сахна рақси, ўзбек рақси, замонавий рақс, тарихий-маиший рақс, ритмика ва партер ҳамда бошқа гуруҳ бўлиб ўтиладиган фанлар бўйича ўқув гуруҳлари 6-10 ўқувчиларни ташкил қилади.

3. Партер (умуртқа поғоналарини тўғрилаш) дарси гуруҳ шаклида ўтказилиб, унда 4-5 нафар ўқувчидан гуруҳ тузишнинг имкони бўлмаган тақдирда бошланғич ва юқори синфларнинг ўқувчиларини бирга қўшган ҳолда гуруҳлар тузилади.

4. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса ёки ўғил болалар ва қизларнинг рақс машғулотлари алоҳида ўтказилса, соатлар тўлиқ бажарилган ҳолда, гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчи ва концертмейстерларга 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

5. “Концерт дастурини тайёрлаш” учун бошланғич ва юқори синф гуруҳлари билан ҳар ойда бир марта алоҳида 2 соат йиғма машғулот ўтказилади. Ўқиш жараёни икки сменалик тартибда ўтказилишини

инобатга олган ҳолда ва болаларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида йиғма машғулотлар якшанба кунлари ўтказилиши мумкин.

6. Мумтоз рақс, ўзбек рақси, халқ саҳна рақси, замонавий рақс, ритмика, концерт дастур тайёрлаш, тарихий-маиший рақс ва танланган фанлар (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) бўйича умумий соатларининг 100 фоиз ҳажмида концерт-мейстерлик соатлари ажратилади.

7. Умумий фортепиано ва танланган фан дарслари якка тартибда ўтказилади.

8. Танланган фанлар (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) бўйича умумий соатларнинг 100 фоиз ҳисобидан концертмейстерлик (иллюстраторлик) соатлари ажратилади.

9. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- тасвирий санъат;
- эстрада хонандалиги
- маълум бир рақсни якка тартибда ўрганиш;
- мусиқа назарияси;
- эстрада хонандалиги;
- анъанавий хонандалик;
- театр санъати
- тасвирий санъат (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- амалий санъат (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- ижрочилик маҳорати фани кўрик-танлов, фестиваль, мастер-класс ва концертларда иштирок этадиган иқтидорли ўқувчилар ва юқори синфдаги ўқувчилар учун тавсия қилинади.

10. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

### XIII. Театр санъати йўналиши бўйича ўқув режа (ўқиш муддати 5 (6) йил)

| Т/р | Фанларнинг номланиши      | Ҳафталик ўқув соатлари |   |   |   |   |     | Умумий соатлар | Имтиҳон (ўқув йили якунида)* |
|-----|---------------------------|------------------------|---|---|---|---|-----|----------------|------------------------------|
|     |                           | Синфлар                |   |   |   |   |     |                |                              |
|     |                           | 1                      | 2 | 3 | 4 | 5 | (6) |                |                              |
| 1.  | Актёрлик санъати асослари | 2                      | 2 | 3 | 3 | 3 | 3   | 442/102        | 1-5-синф                     |

|                         |  |          |           |           |           |           |          |                 |          |
|-------------------------|--|----------|-----------|-----------|-----------|-----------|----------|-----------------|----------|
| 2.                      | Саҳна нутқи  | 1        | 1         | 2         | 2         | 2         |          | <b>272</b>      |          |
| 3.                      | Саҳна ҳаракати                                       | 1        | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>170</b>      | 1-5-синф |
| 4.                      | Жаҳон санъат тарихи ва Театр санъат тарихи           |          | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>136</b>      | суҳбат   |
| 5.                      | Ритмика ва рақс                                      | 1        | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>170</b>      | 5-синф   |
| 6.                      | Вокал  | 1        | 1         | 1         | 1         | 1         | 1        | <b>170/34</b>   | 5-синф   |
| 7.                      | Саҳнага чиқишга тайёргарлик ва машқ (Саҳна амалиёти) | 1        | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>170</b>      |          |
| 8.                      | Грим ва саҳна либослари                              | 1        | 1         | 1         | 1         | 1         |          | <b>170</b>      |          |
| 9.                      | Танланган фан  |          | 1         | 1         | 1         | 1         | 1        | <b>136/34</b>   |          |
| <b>Ҳафталик соатлар</b> |  | <b>8</b> | <b>10</b> | <b>12</b> | <b>12</b> | <b>12</b> | <b>5</b> | <b>1836/170</b> |          |

**Изоҳ:** Ўқитувчилар кенгаши қарори ҳамда ота-оналарнинг ёзма аризаларига кўра умумтаълим мактабида ўқиётган синфни инобатга олган ҳолда асосий 5 йиллик ўқиш муддатини тугатган ўқувчилар қўшимча 6-синфда ўқишни давом эттиришлари мумкин. 6-синфда ўтиладиган дарс соатлари қавс ичида кўрсатилди.

\* I ва III-IV синфларда ўқув йилининг биринчи ярми ва якунида назарий фанлардан назорат дарслари, мутахассислик фани бўйича синовлар (имтиҳонлар) спектакль шаклида ўтказилади ва баҳоланади.

### Театр санъати йўналиши ўқув режасига тушунтиришлар

1. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари I, II синф ўқувчилари бошланғич, III-V (VI) синф ўқувчилари эса юқори синф ўқувчилари ҳисобланади.

2. Актёрлик санъати асослари, саҳна нутқи, саҳна ҳаракати фанлари дарс жадвалларига ва ўқув режасига мутахассислик деб киритилади ва махсус фан ҳисобланади. Мутахассислик бўйича машғулотлар гуруҳ шаклида ўтказилади.

3. Гуруҳ тартибда ўтказиладиган машғулотларнинг ўқувчилар сони ўртача 6-10 ўқувчилардан иборат бўлиши шарт.

4. Гуруҳларда ўқувчилар сони белгиланган миқдордан кам бўлса (3-5 нафаргача) ва уларни бошқа гуруҳлар билан қўшиш имкони бўлмаса, соатлар тўлик бажарилган ҳолда, гуруҳли машғулот ўтадиган ўқитувчи ва концертмейстерларга 50 фоиз миқдорида ҳақ тўланади.

5. Ўқув амалиёти фани - драма, муздрама, комедия, оперетта, опера ва балет, ёш томошабинлар, эстрада ва кинотеатр кабиларни қузатуви деб ҳисобланади.

6. Саҳна ҳаракати, вокал, ритмика, рақс ва танланган фанга (маълум бир чолғуни ўрганиш, вокал ансамбли, хонандалик) умумий соатларининг 100% миқдорида концертмейстер соатлари ажратилади.

7. Танланган фан дарслари якка тартибда ўтказилади.

8. Танланган фан бўйича тахминан қуйидаги дарслар киритилади:

- маълум бир чолғуни ўрганиш;
- тасвирий санъат;
- эстрада хонандалиги;
- либослар ва қўғирчоқлар;
- компьютер графикаси;
- грим;
- саҳна маҳоратини ошириш;
- бадиий фотография;
- маълум бир чолғуни ўрганиш (2-синфдан тавсия этилади);
- рақс (хореография бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир рақс);
- қўғирчоқларни тайёрлаш;
- тасвирий санъати (тасвирий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан);
- амалий санъати (амалий санъат бўлимининг ўқув режасидаги маълум бир фан).

9. Танланган фан бўйича дарс соатлари ўқув йили бошида оналарнинг талаб ва истаклари асосида мактаб маъмурияти томонидан жами ўқувчилар сонининг 50 фоизигача бўлган қисми учун белгиланади. (бу ҳолда ўқиш учун тўлов миқдори ўзгармайди).

Мазкур ўқув режалари ҳамда ўқув режаларига тушунтиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

**Молия вазири**

**Р. Азимов**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 13 июль

179-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ,  
КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИНИ ЎРГАНИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 10 июндаги “Республика иқтисодиёт тармоқларини 2016/2017 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2545-сонли қарорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича халқ таълими муассасаларининг қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини жойида ўрганиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларини янги ўқув йили, куз-қиш мавсумига сифатли тайёрлаш ва мавсумни барқарор ўтказиш ишларини ташкил эгиш бўйича вазирлик штаби таркиби 1-иловага, таълим муассасаларини янги ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлигини жойида ўрганиш бўйича ҳудудларга бириктирилган раҳбарлар ва ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага, таълим муассасаларини янги ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлигини ҳудудларда ўрганиш жадвали 3-иловага, жойларда таълим муассасаларининг янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш саволномаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Таълим муассасаларини янги ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлигини жойида ўрганиш бўйича ҳудудларга бириктирилган раҳбарлар ва ишчи гуруҳига:

таълим муассасаларининг ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини саволномага мувофиқ белгиланган муддатларда танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш;

ҳудудлар кесимида аниқланган камчиликлар ҳамда бажарилиши лозим бўлган ишларни ҳудудий ҳокимликлар билан бирга жойида ҳал этиш чораларини кўриш;

ҳудуддаги халқ таълими муассасаларини 2016-2017 ўқув йилига ҳамда куз-қиш мавсумига тайёр эканлиги (ёки тайёр эмаслиги)ни ҳар

бир таълим муассасаси кесимида таҳлил қилиш, таҳлил натижаларини жойида муҳокама қилиб бориш;

аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича вилоят халқ таълими бошқармалари ҳамда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари билан биргаликда зарур чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

хизмат сафарига юборилган ходимларнинг таълим муассасаларини самарали ўрганиши учун тегишли шарт-шароит яратиш;

ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни худудий ҳокимликлар, тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда бартараф этиш чораларини кўриш;

барча таълим муассасаларида ўқув йили, куз-қиш мавсумини барқарор (беталофат) ўтказилишини таъминлаш учун навбатчилик ташкил этиш;

ҳар бир таълим муассасасида ёнғин хавфсизлигини тарғиб этувчи плакатларни, ёнғин хавфсизлиги бурчаги (шит)нинг ёнғинга қарши жиҳозлар билан тўлиқ таъминланишини ташкил этиш;

ўқув йили ва куз-қиш мавсуми давомида иссиқликни сақлаш, электр энергияси, газ, сув тежамкорлиги, улардан оқилона фойдаланиш, тозалikka рия қилиш бўйича ҳар бир таълим муассасасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

ишчи гуруҳ томонидан ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши ҳамда мавсум давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни вазирликка тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Таълим муассасаларида ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлик, мавсум давомида навбатчиликни ташкил этиш ва таълим муассасаларини ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлигини таъминлашда таълимнинг жойлардаги бошқарув органларининг биринчи раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

6. Таълим муассасаларининг моддий-техника таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф. Узаков) ва Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси (Ф. Аҳмедов) га таълим муассасаларини ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати бўйича ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш натижалари бўйича маълумотларни таҳлил этиш ва умумлаштирилган ҳолда вазирлик раҳбариятига киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

7. Хизмат сафари билан боғлиқ барча сарф-харажатлар ходимларнинг асосий иш жойидан тўланиши белгилаб қўйилсин.

8. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Халқ таълими вазирининг  
2016 йил 13 июлдаги  
179-сонли буйруғига  
1-илова

**Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги  
таълим муассасаларини янги ўқув йили, куз-қиш мавсумига  
сифатли тайёрлаш ва мавсумни барқарор ўтказиш ишларини  
ташқил этиш бўйича вазирлик штаби  
ТАРКИБИ**

| <b>Исми,<br/>шарифи</b> |   | <b>Лавозими</b>   |
|-------------------------|---|---|
| Б. Данияров             | - | Вазирнинг биринчи ўринбосари, штаб бошлиғи                      |
| Д. Кенжаев              | - | Вазир ўринбосари, штаб бошлиғи ўринбосари                       |
| А. Холмуродов           | - | Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, штаб котиби |
| <b>Аъзолар:</b>         |   |   |
| Ф. Ахмедов              | - | Халқ таълими вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи                   |
| Ф. Узақов               | - | Халқ таълими вазирлиги бошқармаси бошлиғи                       |
| Қ. Оқилов               | - | Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси                          |
| А. Носиров              | - | Халқ таълими вазирлиги бош бошқарма бошлиғи ўринбосари          |
| А. Содиқов              | - | Халқ таълими вазирлиги етакчи назоратчиси                       |
| А. Тагаев               | - | Халқ таълими вазирлиги етакчи назоратчиси                       |
| Т. Вакилов              | - | Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси                          |
| Х. Самандаров           | - | Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси                          |
| А. Эминов               | - | Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи                            |
| М. Ваҳобов              |   | Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари              |
| Қ. Сайтов               | - | Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси                          |
| М. Ибрагимов            | - | Халқ таълими вазирлиги етакчи назоратчиси                       |
| З. Товбоев              | - | Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи                            |
| Б. Алимов               | - | Халқ таълими вазирлиги бошқармаси бошлиғи                       |
| Ф. Наджимов             | - | Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси                          |
| И. Пўлатов              | - | Халқ таълими вазирлиги бош назоратчиси                          |

Халқ таълими вазирлигига  
2016 йил 13 июлдаги  
179-сонли буйруғига 2-илова

Таълим муассасаларини янги ўқув йили, куз-қиш мавсумига тайёргарлигини жойида ўрганиш  
бўйича ҳудудларга бириктирилган раҳбарлар ва ишчи гуруҳ  
ТАРКИБИ

| № | Худудлар                     | Худудларга бириктирилган раҳбарлар | Худудларга бириктирилган вазирлик масъул ходимлари | Ишчи гуруҳ аъзолари | Иш жойи  |
|---|------------------------------|------------------------------------|--|---------------------|--|
| 1 | Қорақалпоғистон Республикаси |                                    |  | Ф.Мирбобоев         | А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти |
| 2 | Хоразм вилояти               | Халқ таълими вазири У.Иноятов      | С.Сейткамолов                                      | С.Назаров           | Республика таълим маркази  |
| 3 | Тошкент шаҳар                |                                    |  | Х.Агаев             | Республика таълим маркази  |
| 4 | Сурхондарё вилояти           |                                    | М.Вахобов  | Б.Сафаров           | “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши  |
|   |                              |                                    |  | Қ.Мавлонов          | Республика таълим маркази  |

|    |                   |   |           |                 |  |
|----|-------------------|---|-----------|-----------------|--|
| 5  | Самарқанд вилояти | Халқ таълими вазири биринчи ўринбосари Б.Данияров | М.Вахобов | У.Мамарасулов   | Республика таълим маркази  |
| 6  | Навой вилояти     |   |           | Б.Собиров       | Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти |
| 7  | Қашқадарё вилояти | Халқ таълими вазири биринчи ўринбосари Б.Данияров | А.Тагаев  | Б.Қурбонов      | Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи                         |
| 8  | Бухоро вилояти    |   |           | А.Ризоқулов     | Республика таълим маркази  |
| 9  | Фарғона вилояти   | Халқ таълими вазири ўринбосари Д.Кенжаев          | З.Тавбаев | А.Нурқулов      | Республика таълим маркази  |
| 10 | Андижон вилояти   |   |           | Д.Султонмуродов | Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти |
| 11 | Наманган вилояти  |   |           | Б.Беков         | “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази директор ўринбосари          |
|    |                   |   |           | Ш.Пулатов       | Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти   |
|    |                   |   |           | Д.Рахматуллаев  | Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти   |

|    |                 |   |              |             |  |
|----|-----------------|---|--------------|-------------|--|
| 12 | Тошкент вилояти | ХТВ<br>хузуридаги<br>Мультимедиа<br>умумтаълим<br>дастурларини<br>ривожлантириш<br>марказининг<br>биринчи<br>ўринбосари<br>У.Абруев | А.Холмуродов | И.Сапарбоев | Республика таълим маркази  |
| 13 | Сирдарё вилояти |   |              | З.Бабанов   | Республика болалар кутубхонаси<br>директори ўринбосари                                     |
| 14 | Жиззах вилояти  |   |              | Н.Нарзиев   | Тошкент шаҳар халқ таълими<br>ходимларини қайта тайёрлаш ва<br>малакасини ошириш институти |

**Тасдиқлайман**  
 Ўзбекистон Республикасининг  
 Бош вазири Ш.Мирзиёев  
 2016 йил " " июль

**Халқ таълими муассасаларини янги 2016/2017 ўқув йилига тайёрлашнинг боришини ўрганиш,  
 камчиликларни муҳокама қилиш ва бартараф этиш чораларини кўриш бўйича ҳаракат режаси**

|   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
|---|--|---------------------------------|--------------------|-------------------|------------------|----------------------|
| 15-25 август                              |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 13 август                                 |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 11-13 август                              |  |                                 | 2-ишчи<br>гуруҳи   |                   |                  |                      |
| 10 август                                 |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 8-10 август                               |  |                                 |                    | 4- ишчи<br>гуруҳи |                  |                      |
| 6 август                                  |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 4-6 август                                | 1-ишчи<br>гуруҳи                           | 3-ишчи<br>гуруҳи                |                    |                   | 2-ишчи<br>гуруҳи |                      |
| 23 июль                                   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 21-23 июль                                |  |                                 | 2-ишчи<br>гуруҳи   |                   |                  |                      |
| 20 июль                                   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 18-20 июль                                |  |                                 |                    | 4- ишчи<br>гуруҳи |                  |                      |
| 16 июль                                   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 14-16 июль                                | 1-ишчи<br>гуруҳи                           | 3-ишчи<br>гуруҳи                |                    |                   | 2-ишчи<br>гуруҳи |                      |
| Худудларга<br>бириктирилган<br>раҳбарлар* | У.Иноятов                                  | Д.Кенжаев                       | Б.Данияров         | У.Абдуев          | Б.Данияров       |                      |
| Шундан:                                   | мактабдан<br>ташқари муас-<br>сасалар сони | 56                              | 62                 | 45                | 45               | 52                   |
|   | боғчалар<br>сон                            | 306                             | 454                | 341               | 169              | 327                  |
|   | мактаблар<br>сон                           | 702                             | 741                | 536               | 540              | 1123                 |
| Жами таълим<br>муассасалари<br>сон        | 1064                                       | 1257                            | 922                | 754               | 1502             |                      |
| №   | Худудлар номи                              | Қорақалпоғистон<br>Республикаси | Андижон<br>вилояти | Бухоро вилояти    | Жиззах вилояти   | Қашқадарё<br>вилояти |
| 1   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 2   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 3   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 4   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |
| 5   |  |                                 |                    |                   |                  |                      |

|  |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
|--|----------------|------------------|-------------------|--------------------|-----------------|-----------------|-----------------|----------------|---------------|
| Ўрганилган маълумотлар асосида видеоселектор йиғилишини ўтказиш, камчиликларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| Ўрганилган маълумотлар асосида видеоселектор йиғилишини ўтказиш, камчиликларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| 2-ишчи гуруҳи  | 3-ишчи гуруҳи  |                  |                   |                    | 4-ишчи гуруҳи   |                 |                 |                | 1-ишчи гуруҳи |
| Ўрганилган маълумотлар асосида видеоселектор йиғилишини ўтказиш, камчиликларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
|  |                |                  | 2-ишчи гуруҳи     |                    |                 |                 | 3-ишчи гуруҳи   | 1-ишчи гуруҳи  |               |
| Ўрганилган маълумотлар асосида видеоселектор йиғилишини ўтказиш, камчиликларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
|  |                |                  | 2-ишчи гуруҳи     |                    | 4-ишчи гуруҳи   |                 |                 |                |               |
| Ўрганилган маълумотлар асосида видеоселектор йиғилишини ўтказиш, камчиликларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| 2-ишчи гуруҳи  | 3-ишчи гуруҳи  |                  |                   |                    | 4-ишчи гуруҳи   |                 |                 |                | 1-ишчи гуруҳи |
| Ўрганилган маълумотлар асосида видеоселектор йиғилишини ўтказиш, камчиликларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
|  |                |                  | 2-ишчи гуруҳи     |                    |                 |                 | 3-ишчи гуруҳи   | 1-ишчи гуруҳи  |               |
| Ўрганилган маълумотлар асосида видеоселектор йиғилишини ўтказиш, камчиликларни муҳокама қилиш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
|  |                |                  | 2-ишчи гуруҳи     |                    | 4-ишчи гуруҳи   |                 |                 |                |               |
| Б. Данияров  | Д. Кенжаев     | Б. Данияров      | Б. Данияров       | У.Абдуев           | У.Абдуев        | Д. Кенжаев      | У.Иноятов       | У.Иноятов      |               |
| 38   | 46             | 68               | 49                | 40                 | 71              | 73              | 41              | 77             | 763           |
| 114  | 462            | 552              | 289               | 151                | 416             | 645             | 249             | 441            | 916           |
| 355  | 685            | 1220             | 860               | 298                | 877             | 916             | 528             | 311            | 692           |
| 507  | 1193           | 1840             | 1198              | 489                | 1364            | 1634            | 818             | 829            | 15371         |
| 6  | Навоий вилояти | Наманган вилояти | Самарқанд вилояти | Сурхондарё вилояти | Сирдарё вилояти | Тошкент вилояти | Фарғона вилояти | Хоразм вилояти | Тошкент шаҳар |
| 7  |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                | Жами          |
| 8  |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| 9  |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| 10   |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| II   |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| 12   |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| 13   |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |
| 14   |                |                  |                   |                    |                 |                 |                 |                |               |

**Изоҳ:** \*) - Республика ҳудудларига бириктирилган раҳбарлар ишчи гуруҳларининг ишини мувофиқлаштириб боради, аниқланган камчиликларни бартараф этилишини таъминлайди ҳамда ўз ҳудудларидаги барча таълим муассасаларини янги ўқув йилига тўлиқ таъйёрланишини таъминлайди.

\*\*) - Ишчи гуруҳларининг таркиби 1- иловада, ишчи гуруҳларининг иш режаси 2-иловада берилган.

Халқ таълими вазирининг  
2016 йил 13 июлдаги  
179-сонли буйруғига 4-илова

### Жойларда таълим муассасаларининг янги ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш САВОЛНОМАСИ

#### Халқ таълими муассасаларини 2016-2017 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳолатини жойида ўрганиш бўйича саволнома

Таълим муассасасининг номи \_\_\_\_\_  
Ўрганилган сана: \_\_\_\_\_ 2016 йил  
2016 йилда маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган  
маблағлар \_\_\_\_\_ млн.сўм

#### Халқ таълими муассасаларини 2016-2017 ўқув йили ва куз-қиш мавсумига тайёргарлигини баҳолаш мезонлари ҳамда туман (шаҳар), вилоят кесимидаги маълумотлар шакли

| T/p   | Амалга ошириладиган ишлар  | Ўрганиш давридаги ҳолати |
|---|--|--------------------------|
| <b>I. 2016-2017 ЎҚУВ ЙИЛИ ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҲОЛАТИ</b> |  |                          |
| 1.  | Таълим муассасасининг (олий маълумотли) педагоглар билан таъминланганлиги ва эҳтиёж  |                          |
| 2.  | Мактабга ўрнатилган тартибда микро ҳудуд белгилаб берилганлиги, мактабнинг кириш қисмида микроҳудуд схемаси чизилганлиги, мажбурий таълим талабларининг бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида микроҳудуддаги кўчалар, уйларга масъуллар бириктирилганлиги ва йилида икки марта ҳисоботларнинг олиб борилганлиги |                          |

|                                      |   |  |
|--------------------------------------|---|--|
| 3.                                   | Дарсликлар ва “Президент совғаси”ни етказиб берилганлиги ва сақланиши   |  |
| 4.                                   | Етказиб берилган дарсликлар ва “Президент совғаси” ўтган йили берилган буюртма билан мос келиши ҳамда ўрнатилган тартибда қабул қилиниб, жамоатчилик кенгашининг қабул қилиш далолатномаси тузилганлиги |  |
| 5.                                   | Таълим муассасаси биносининг ташқи кўриниши (фасади бинонинг олд ва орқа томонлари тўлиқ таъмирланган ва замонавий ранг берилган, тарновлар талаб даражасида эканлиги)                                  |  |
| 6.                                   | Муассасанинг ички ҳолати, синфларни тўлиқ ва сифатли таъмирланган жиҳозланиши   |  |
| 7.                                   | Муассаса ошхонасининг барча техник ва санитария талабларига жавоб бериши ва иш фаолиятини ўрнатилган тартибда йўлга қуйилганлиги  |  |
| 8.                                   | Муассасанинг том қисми таъмирланганлиги, ўтган куз-қиш мавсумида томдан чакки ўтган бўлса уни бартараф этиш чоралари кўрилганлиги   |  |
| 9.                                   | Муассасанинг иссиқлик тизими тўлиқ ишлаши, профиллактик таъмирлаш ва босим остида ювилганлиги   |  |
| 10.                                  | Қозонхона ва қозонларнинг ҳолати, уларнинг ишлаши   |  |
| 11.                                  | Режадаги кўмир (брикет) ёқилғисини қабул қилиб олиш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштирилганлиги   |  |
| 12.                                  | Кўмирхоналарни таъмирланганлиги ва кўмир (брикет) ёқилғисини сақлаш ҳолати  |  |
| 13.                                  | Ҳожатхоналарнинг таъмирланганлиги ва санитария ҳолати   |  |
| 14.                                  | Ёнгин хавфсизлиги бурчагининг талаб даражасида жиҳозланганлиги ва ёнгиндан хабар берувчи хавфсизлик тизими ўрнатилган ва ишчи ҳолатида эканлиги   |  |
| 15.                                  | Ички ва ташқи электр тизимларининг талаб даражасида ўрнатилганлиги, янги ўқув йили олдидан юқори кучланишга мустаҳкамлилиқ даражаси (прозвонка) текширилганлиги   |  |
| <b>II. ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ТОЗАЛИК</b> |   |  |
| 16.                                  | Таълим муассасасида ободонлаштириш ва тозалик ишларининг ҳолати барча талабларга тўла жавоб берса   |  |

|   |   |  |
|---|---|--|
| 17.   | Таълим муассасасида ободонлаштириш ишларининг ҳолати қисман талабга жавоб берса   |  |
| 18.   | Таълим муассасасида ободонлаштириш ишларининг ҳолати талабга жавоб бермас   |  |
| 19.   | Спорт майдончаларининг ободонлаштирилганлиги ва спорт зали ҳолати барча талабларга жавоб берса  |  |
| 20.   | Спорт майдончаларининг ободонлаштирилганлиги ва спорт зали ҳолати талабларга қисман жавоб берса   |  |
| 21.   | Спорт майдончаларининг ободонлаштирилганлиги умуман талабларга жавоб бермас   |  |
| <b>III. ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ<br/>ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАКТАБЛАР ВА БОҒЧАЛАР ТЎҒРИСИДА</b> |   |  |
| 22.   | 2016 йил дастурига киритилган ҳудуддаги мактабларда олиб борилаётган ишлар ҳолати   |  |
| 23.   | Ҳар бир таълим объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини кунлик назоратини олиб боровчи <b>“Жамоатчилик”</b> комиссияси ташкил этилганлиги (қишлоқ фахрийси, маҳалла фаоли, м.ф.й. раиси, мактаб раҳбарияти, ота-оналар қўмитаси аъзоларидан иборат), қандай фаолият кўрсатаётганлиги ҳолати.                       |  |
| 24.   | Ўтказилган пудрат-тендер танловлари асосида реконструкция қилинаётган ва таъмирланаётган ҳар-бир объект бўйича ойма-ой календар жадвали тузилганлиги ва тасдиқланганлиги; Қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланган муддатларда ниҳоясига етказилиш ҳолати ёки қоқоқликларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар; |  |
| 25.   | Бош пудратчилар билан биргаликда, қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган ҳар бир объектда штаб ташкил қилиниб, баённомалар тузилганлиги;   |  |
| 26.   | Асосий қурилиш материаллари келтирилганлиги, уларнинг сифати ва сертификатлари мавжудлиги   |  |
| 27.   | Ишчилар сони ва машина механизмлар сони   |  |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 20 июль

186-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ БОЛАЛАР  
МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ НАМУНАВИЙ  
УСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган Мактабдан ташқари муассаса тўғрисидаги низом, 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасалари уставини ишлаб чиқиш тартиби ҳамда 2016 йил 5 майдаги 144-сон “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг намунавий устави 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

мазкур намунавий устав асосида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг уставини ўн кун муддатда ишлаб чиқиши ва тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларининг амалдаги уставлари бекор қилиниши ва Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 майдаги 144-сон “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори ҳамда ўз уставларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини ташкил этиш;

Ўн беш кун муддатда амалга оширилган ишлар юзасидан вазирликнинг Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармасига ҳисобот бериш вазифалари юклатилсин.

3. Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев)га ушбу буйруқ асосида амалга оширилган ишлар юзасидан вазирлик раҳбариятига маълумот тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2008 йил 28 августдаги 237-сон “Р. Глиэр ва В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган академик лицейлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари норматив ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирининг  
2016 йил 20 июлдаги 186-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
тизимидаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг  
НАМУНАВИЙ УСТАВИ**

Мазкур Намунавий устав Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 18 февралдаги 59-сон қарори билан тасдиқланган Мактабдан ташқари муассаса тўғрисидаги низом, 1998 йил 5 январдаги 5-сон қарори билан тасдиқланган Таълим муассасалари уставини ишлаб чиқиш тартиби ҳамда 2016 йил 5 майдаги 144-сон “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарорига мувофиқ болалар мусиқа ва санъат мактабларининг уставида кўрсатиладиган асосий қоидаларни белгилайди.

**1- боб. Умумий қоидалар**

1. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари мактабдан ташқари таълим муассасаси ҳисобланиб, унинг асосий фаолияти униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, ўқувчиларнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратишга қаратилган.

2. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, ўз уставига амал қилади.

3. Болалар мусиқа ва санъат мактаби давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади ва ўз уставига, мустақил балансига, шахсий ғазна ҳисоб варақларига, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, штампга ва бланкаларга эга бўлади.

4. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг устави мазкур Намунавий устав асосида ишлаб чиқилади. Унда болалар мусиқа ва санъат мактабининг тўлиқ ва қисқартирилган номи, таълим турига тегишлилиги, таълим фаолияти йўналиши, ўқиш шакли, мулк-

чилик шакли, муассислар тўғрисидаги маълумотлар (номи, почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва давлат рўйхатидан ўтказилган санаси), юридик манзили, фаолиятини бошқариш тартиби, шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабинини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатнинг реқвизитлари кўрсатилади.

5. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг устави Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари (бундан буён матнда халқ таълими бошқарув органлари деб юритилади) томонидан тасдиқланади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатдан ўтказилади.

## **2-боб. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг мақсад ва вазифалари**

6. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг мақсади ёш авлоднинг мусиқа ва санъат турларига қизиқиши ва қобилиятини ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларни халқимиз аёнчаларига ва миллий қадриятларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий ва маърифий савиясини ҳар томонлама оширишдан иборат.

7. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг маънавий ва эстетик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш;

ўқувчиларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш;

ўқувчиларни миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан ва ўзбек халқининг мумтоз мусиқа мероси дурдоналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш;

миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни узвий бирлаштириш асосида ўқувчиларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

ўқувчиларга умумий мусиқа, хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича билимларнинг бошланғич асосларини ўргатиш орқали уларни мусиқа ва санъат оламига жалб этиш;

иктидорли ўқувчиларни мусиқа ва санъат йўналишлари бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқишини давом эттириш учун тайёрлаш.

8. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра, уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган мусиқа (фортепиано, тор-

ли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) ва санъат (хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат) йўналишларида (кейинги ўринларда таълим йўналишлари деб аталади) фаолиятини амалга оширади.

9. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга таълим бериш яқка тартибда ёки бир хил ёшдаги ва турли ёшдаги болалар гуруҳларида уларнинг қизиқишларига кўра бир ёхуд бир неча таълим йўналишлари бўйича амалга оширилади.

10. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-тарбиявий ишлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) томонидан тасдиқланадиган ўқув режалари ва ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

11. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг буйруғи асосида таълим йўналишлари бўйича бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

12. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

болалар мусиқа ва санъат мактаби ходимлари ва ўқувчилардан унинг устави ва ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя этилишини талаб қилиш;

янги педагогик технологиялар асосида таълим ва тарбиянинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шакли, воситалари ва усуллари-ни қўллаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим мазмуни ва самарадорлигини такомиллаштириш бўйича халқ таълими бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклиф киритиш;

ўз фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қонунчиликка мувофиқ тарзда кўчар ва кўчмас мулкларни ижарага олиш;

молиялаштиришнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган турли манбалари ҳисобига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Қуйидагилар болалар мусиқа ва санъат мактабининг мажбуриятлари ҳисобланади:

халқ таълими бошқарув органларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, буйруқлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлари ижросини таъминлаш, топшириқ ва кўрсатмаларини бажариш;

маънавий етук, фидойи, иқтидорли, ташаббускор, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш;

ўз уставида белгиланган вазифаларни бажариш;

йўналишлар бўйича тасдиқланган ўқув дастурлари асосида мактабнинг йиллик ўқув режасини, дарс ва машғулотлар жадвалини ишлаб чиқиш;

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари, белгиланган тартибда тасдиқланган ўқув режаси ва ўқув дастурлари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

таълим-тарбия жараёнини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ ташкил этиш;

ўқувчиларни мактабдан ташқари таълимга жалб этиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

ходимлар ва ўқувчилар томонидан ўз вазифаларини бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактаби ходимларини қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

болалар мусиқа ва санъат мактабининг моддий-техник базаси сақланиши ва улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабининг моддий-техника таъминотини ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш;

ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён ота-оналар деб юритилади) билан шартномалар тузиш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ички меҳнат тартиби қоидаларини ўрнатиш;

йўналишлар бўйича ўқувчилар, ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг туман (шаҳар), вилоят, республика ва халқаро кўриктанловлари, фестиваллари, устоз сабоқлари ҳамда бошқа мусиқа ва санъат тадбирларида иштирок этишларини таъминлаш.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби зиммасига қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

### 3-боб. Таълим олувчилар

14. Болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбарияти ҳар йили июнь-август ойларида ўқишга қабул қилиш ишларини ташкил этади.

Ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактабига вазирлик томонидан белгиланадиган қабул квоталари доирасида ўқишга қабул қилинади.

Қабул квоталари болалар мусиқа ва санъат мактабининг қуввати, моддий-техника базаси, кадрлар билан таъминланганлик даражаси, таълим йўналишлари бўйича талаб ва эҳтиёжларни инобатга олган ҳолда шакллантирилади.

15. Болалар мусиқа ва санъат мактабида қабул синовлари ўтказиш учун директорнинг буйруғи билан беш кишидан иборат таркибда қабул комиссияси тузилади.

16. Қабул комиссияси таркибига болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, директорнинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва педагог ходимлар киритилади. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

17. Болалар мусиқа ва санъат мактабига ўқишга кириш учун ўқувчининг ота-оналари ҳар йили 1 август – 25 август мобайнида қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) таълим йўналиши (йўналишлари) кўрсатилган ариза;

б) ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

в) ўқувчига белгиланган шаклда берилган тиббий маълумотнома;

г) 3 x 4 ўлчамли 2 та фотосурат.

18. Қабул синовлари ҳар йили 31 августгача ўқувчининг ижодий қобилиятини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Қабул синовлари қабул комиссияси ҳузурда ўтказилади. Қабул синовлари бир марта топширилади, қайта топширишга йўл қўйилмайди.

19. Қабул комиссияси ўқувчининг ота-онасини аризасида кўрсатилган таълим йўналиши бўйича унинг қуйидаги ижодий қобилиятини қабул синовларида аниқлайди:

мусиқа (фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) йўналиши бўйича мусиқа ритмига мослашиши, қўшиқ айтиши, мусиқани эшитиши ва эслаб қолиши;

санъат йўналишлари:

хореография бўйича жисмонан маъқуллиги (тана ва оёқларнинг эгилувчанлиги), ритмга мослашиши, мусиқани эшитиши;

тасвирий ва амалий санъат мутахассисликлари бўйича тасаввурдаги нарсасиз буюм ёки манзарани чиза олиши;

театр санъати мутахассисликлари бўйича шеър ёки монологни ёддан ифодали ўқиши ва овоз ёки ҳаракатга нисбатан тақлид қила олиши.

20. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг иккинчи ва ундан юқори синфларига қабул қилиш учун ўқувчилар мазкур Уставнинг

17-бандида назарда тутилган қабул синовларидан ташқари вазирлик томонидан тасдиқланган ўқув дастурлари бўйича тегишли синфдаги билим даражасига қўйиладиган талаблар асосида қуйидаги махсус фанлар бўйича ҳам қабул синовларини топширадилар:

а) мусиқа (фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) йўналиши бўйича - мутахассислик ва сольфеджио фани;

б) санъат йўналишлари бўйича:

хореография - мумтоз рақс, партер фани;

тасвирий ва амалий санъат - чизма тасвир, ранг тасвир, композиция фани;

театр санъати - актёрлик маҳорати, сахна нутқи, сахна ҳаракати фани.

21. Ўқувчининг синовдан ўтган ёки ўтмаганлиги қабул комиссияси аъзоларининг очиқ овоз бериши йўли билан аниқланади. Қабул комиссияси аъзоларининг кўпчилиги ижобий овоз берган тақдирда ўқувчи қабул синовидан ўтган ҳисобланади.

Қабул комиссиясининг раиси барча аъзолардан сўнг овоз беради. Овозлар сони тенг бўлиб қолганда қабул комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

22. Қабул комиссияси ўқувчини ўқишга қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилади. Қабул комиссиясининг ижобий қарорига асосан болалар мусиқа ва санъат мактаби директори ўқувчини ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Ўқувчиларни ўқув йили давомида ўқишга қабул қилишга йўл қўйилмайди, бошқа болалар мусиқа ва санъат мактабидан ўқиши кўчирилган ўқувчилар бундан мустасно.

23. Ўқувчининг ота-онаси ўз хоҳишига кўра ўқув йили давомида ёки у тугагандан сўнг фарзандини ўқиётган болалар мусиқа ва санъат мактабидан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Ўқувчилар ота-оналарининг аризаси асосида ўқиётган болалар мусиқа ва санъат мактабидан бошқасига таълим олаётган таълим йўналиши бўйича ўтказилади.

24. Ўқиётган болалар мусиқа ва санъат мактабидан бошқасига ўтказилган ўқувчилар томонидан ўқишни давом эттириш учун танланган болалар мусиқа ва санъат мактабига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ўқиган жойидан маълумотнома;

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели;

якка тартибдаги иш режаси (мусиқа йўналишлари учун).

25. Ўқувчини бир таълим йўналишидан бошқа таълим йўналишига ўтказиш болалар мусиқа ва санъат мактабидаги таълимнинг биринчи ва иккинчи йилида амалга оширилади.

Юқори синфларда бир таълим йўналишидан бошқа таълим йўналишига ўтказишга йўл қўйилмайди.

26. Бир таълим йўналишидан бошқасига ўтказиш болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг буйруғига асосан беш кишидан иборат таркибда тузиладиган ўқувчиларнинг ўқишини бир таълим йўналишидан бошқасига кўчириш комиссиясининг (бундан буён матнда кўчириш комиссияси деб юритилади) қарорига асосан амалга оширилади.

Кўчириш комиссияси таркибига болалар мусиқа ва санъат мактаби директори, директорнинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва педагог ходимлар киритилади. Директор кўчириш комиссияси раиси ҳисобланади.

Кўчириш комиссияси ўқув йили давомида фаолият юритади.

27. Кўчириш комиссияси томонидан бир таълим йўналишидан бошқасига ўтказишда ўқувчининг мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган мазкур йўналиш бўйича давлат талабларининг минимал даражасини билиши ҳисобга олинади.

28. Кўчириш комиссиясининг қарори ўқувчига дарҳол эълон қилинади. Кўчириш комиссиясининг қарори ижобий бўлган тақдирда, унга асосан директор ўқувчини танлаган таълим йўналишига ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

29. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчилар контингенти бир йилда бир марта – сентябрь ойида тасдиқланади.

30. Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори билан ўқишга қабул қилинган ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасида ўқиш муддати-га шартнома тузилади.

31. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларининг ҳуқуқлари куйидагилардан иборат:

мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида ихтиёрий равишда таълим олиш;

қизиқишига кўра таълим йўналишини танлаш;

бир неча таълим йўналиши бўйича билим олиш;

инсоний қадр-қимматининг ҳурмат қилинишини талаб қилиш, виждон эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз қарашлари ва эътиқодини ифодалаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқув ва иш фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар бериш.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчилари қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

32. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

болалар мусиқа ва санъат мактабининг ички тартиби қоидаларига риоя қилиш;

болалар мусиқа ва санъат мактабининг моддий-техник базасидан самарали фойдаланиш ва уни асраб-авайлаш;

жамоатчилик ишларида фаол иштирок этиш;

ўз ижодий қобилиятини ривожлантириш, билимларни мустақил эгаллаш кўникмасини ҳосил қилиш ва уни амалда қўллаш.

Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларига қонун ҳужжатларига асосан бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

#### 4- боб. Ўқув-тарбиявий ва илмий услубий иш

33. Таълим жараёнининг мақсади болаларнинг ижодий салоҳиятини янада кенг очиб бериш, мусиқа ва санъатнинг бошқа турларини чуқурроқ тушуниши ҳамда уларга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, мусиқа ва тасвирий санъат соҳаларида жаҳон буюк меросини ўрганиб билишлари учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

34. Таълим жараёнининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш учун ҳар томонлама ёндашувни таъминлаш;

ўқувчиларга ўзларининг мактабдан ташқари таълим бўйича назарий ва амалий билимларини шакллантиришда ёрдам бериш;

ҳар бир ўқувчининг билим даражаси ва ижодий имкониятларини аниқлаш ва ривожлантириш;

ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш сифатини яхшилаш мақсадида ўқув-тарбия ва услубий ишларни такомиллаштириш;

ўқувчилар ўз қизиқишлари бўйича касб-хунарнинг бошланғич сирларини эгаллашларида ота-оналарга кўмаклашиш;

ўқувчиларнинг мустақил билим олишлари ва ижодий меҳнат қилишларига шарт-шароитлар яратиш;

мактабдан ташқари таълим сифатини янада ошириш;

мактабдан ташқари таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлаш.

35. Болалар мусиқа ва санъат мактаби Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2015 йил 31 мартдаги 7-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2663, 2015 йил 9 апрель) билан тасдиқланган “Мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган давлат талаблари”ни амалга оширилишини таъминлайди.

36. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш куйидаги шаклларда амалга оширилади:

ўқувчилар билан гуруҳ бўйича ва яқка тартибда машғулотлар олиб бориш; ўқувчиларнинг мустақил иши; назорат дарслари;

академик концертлар, техник синовлар;

мустақил равишда ишланган ижодий маҳсулотлар кўргазмаси; кўрик-танлов, фестиваль, устоз сабоқлари;

синфдан синфга ўтказиш ва битирув имтиҳонлари.

37. Ўқувчиларнинг билими ва ижодий маҳорати куйидаги тартибда баҳоланади: 5 (аъло), 4 (яхши), 3 (қониқарли), 2 (қониқарсиз).

38. Яқка тартибда ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига ўқув йили учун шахсий иш режаси, гуруҳли тартибда ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчилар тақвимий иш режаси тузадилар.

39. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ишини ташкил этиш ва иш тартиби унинг ички меҳнат тартиби қондасида белгиланади.

40. Болалар мусиқа ва санъат мактаби қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда санитария қоидалари ва меъёрларига риоя қилади.

41. Болалар мусиқа ва санъат мактабида мусиқа (фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) ва санъат (хореография, тасвирий санъат, амалий санъат, театр санъати) таълим йўналишлари мавжуд бўлиб, болаларни 1-синфга қабул қилиш ёши ва ўқиш муддатлари куйидагича белгиланади:

| Т/р                    | Таълим йўналишлари   | Қабул ёши       | Ўқиш муддати    |
|------------------------|--|-----------------|-----------------|
| <b>Мусиқа йўналиши</b> |  |                 |                 |
| 1.                     | Фортепиано   | 6-9             | 7 йил           |
| 2.                     | Торли чолғулар   | 6-9             | 7 йил           |
| 3.                     | Эстрада чолғу ижрочилиги:<br>фортепиано, торли чолғулар;<br>дамли ва зарбли чолғулар | 6 - 9<br>6 - 11 | 7 йил;<br>5 йил |
| 4.                     | Халқ чолғулари   | 6 - 11          | 5 йил           |
| 5.                     | Дамли ва зарбли чолғулар   | 6- 11           | 5 йил           |
| 6.                     | Анъанавий чолғу ижрочилиги   | 6 - 11          | 5 йил           |
| 7.                     | Анъанавий хонандалик   | 6- 11           | 5 йил           |
| 8.                     | Академик хонандалик  | 6 - 11          | 5 йил           |

|                        |                     |        |       |
|------------------------|---------------------|--------|-------|
| 9.                     | Эстрада хонандалиги | 6 - 11 | 5 йил |
| <b>Санъат йўналиши</b> |                     |        |       |
| 10.                    | Хореография         | 6 - 11 | 5 йил |
| 11.                    | Тасвирий санъат     | 6 - 11 | 5 йил |
| 12.                    | Амалий санъат       | 6 - 11 | 5 йил |
| 13.                    | Театр санъати       | 6 - 11 | 5 йил |

42. Ўқув йили болалар мусиқа ва санъат мактабида 2 сентябрдан келгуси йилнинг 31 май кунига қадар давом этади ва тўртта чоракка бўлинади.

43. Ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда қуйидаги муддатларга амал қилинади:

ўқув йилининг давомийлиги - 34 ҳафта;

ўқув ҳафтасининг давомийлиги - 6 кун;

дарс машғулотининг давомийлиги - 45 дақиқа;

дарс машғулотлари оралиғидаги танаффуснинг давомийлиги - 5 дақиқа.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида байрам (ишланмайдиган) куни деб белгиланган кунларда дарс машғулотлари ўтказилмайди.

Байрам (ишланмайдиган) кунларига тўғри келиб қолган дарс машғулотларининг мавзулари ўқув дастурларини ихчамлаштирган ҳолда кейинги дарс машғулотларида ўтказилади.

44. Ўқув йили давомидаги таътиллارнинг муддатлари қуйидагича белгиланади:

кузги таътил - 4 ноябрдан бошлаб 6 календарь кун;

қишки таътил - 28 декабрдан бошлаб 14 календарь кун;

баҳорги таътил - 21 мартдан бошлаб 7 календарь кун;

ёзги таътил - 1 июндан (санъат йўналишлари ўқувчилари учун 16 июндан) бошлаб 2 сентябргача.

Таътилни охириги куни байрам (ишланмайдиган) кунга тўғри келиб қолган тақдирда дарс машғулотлари кейинги иш кунидан бошлаб давом эттирилади.

Чораклар оралиғидаги таътиллар даврида болалар мусиқа ва санъат мактабининг педагог ходимлари томонидан машғулотларнинг ўзига хос ижодий дастурларини ишлаб чиқиш, ўзлаштириши паст бўлган ўқувчиларнинг билим савиясини таҳлил қилиш ва улар билан қўшимча ишлаш, уларга маслаҳатлар бериш, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида мусиқа ва санъатнинг инсон маънавий ва мада-

ний савиясини оширишдаги ўрнини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида тadbирлар ташкил этиш, ўқувчилар учун шахсий ва тақвимий иш режалари тузиш каби ишлар амалга оширилади.

45. Якка тартибда ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчилар ҳар бир ўқувчига ўқув йили учун шахсий иш режаси, гуруҳли тартибда ўқув машғулотларини олиб борадиган ўқитувчилар тақвимий иш режаси тузадилар.

46. Болалар мусиқа ва санъат мактабида синфдан синфга ўтказиш ва битирув имтиҳонлари ҳар йили 10 май - 31 май мобайнида ўтказилади.

47. Болалар мусиқа ва санъат мактаби битирувчиларига ўқишни тугатаётган йилининг июнь ойида ўқишни тугатганлиги тўғрисида қонун ҳужжатларига мувофиқ шаклдаги гувоҳнома берилади.

48. Болалар мусиқа ва санъат мактабини тугатишига бир йил қолган ўқувчиларга ота-оналари аризасига ва мутахассислик ўқитувчисининг тавсия хатига асосан педагогик кенгаш қарори билан иқтидорли болаларнинг ёштини, умумий ўрта таълим мактабида таҳсил олаётган синфини, ўқув режасининг бажарилишини инобатга олган ҳолда ўқиш муддати бир йилга қисқартирилиши мумкин.

49. Ўқувчилар болалар мусиқа ва санъат мактабидан қуйидаги ҳолатларда четлаштирилиши мумкин:

ўз хоҳишига биноан;

ўқишнинг бошқа болалар мусиқа ва санъат мактабига кўчирилиши муносабати билан;

саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);

академик ўзлаштира олмаганлиги (қарздорлиги) учун;

ўқув интизомини ва ички тартиби қоидаларини бузганлиги учун;

ўқиш учун белгиланган тўловнинг ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўловдан озод этилган ўқувчилар бундан мустасно);

ўқувчининг суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

вафот этганлиги сабабли.

Директорнинг ўқувчини болалар мусиқа ва санъат мактабидан четлаштириш тўғрисидаги буйруғига қуйидагилардан бири асос бўлади:

ота-онанинг аризаси, педагогик кенгаш қарори, ўқитувчининг билдиришномаси.

50. Ота-оналарнинг аризаси асосида ўқувчига болалар мусиқа ва санъат мактаби директорининг буйруғига мувофиқ бир йил муддатга академик таътил берилиши мумкин.

51. Битирув имтиҳонларини топшира олмаган ўқувчиларга болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқиганлиги тўғрисида маълумотнома берилади.

52. Болалар мусиқа ва санъат мактаби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қарори билан ташкил этилади.

53. Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра, уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга йўналтирилган мусиқа (фортепиано, торли чолғулар, эстрада чолғу ижрочилиги, халқ чолғулари, дамли ва зарбли чолғулар, анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, академик хонандалик, эстрада хонандалиги) ва санъат (хореография, театр санъати, тасвирий ва амалий санъат) йўналишларида фаолиятини амалга оширади.

54. Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга таълим бериш яқка тартибда ёки бир хил ёшдаги ва турли ёшдаги болалар гуруҳларида уларнинг қизиқишларига кўра бир ёки бир неча таълим йўналишлари бўйича амалга оширилади.

55. Болалар мусиқа ва санъат мактабида таълим жараёни давлат тилида ва бошқа тилларда олиб борилади.

### **5- боб. Таълим муассасасининг тузилиши**

56. Болалар мусиқа ва санъат мактабининг таркибий бўлинмаларини директорнинг ўқув-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари, бухгалтерия хисоби ва ҳисоботи бўлими, хўжалик бўлими ташкил этади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун директорнинг буйруғи асосида таълим йўналишлари бўйича бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 4 август

197-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ УМУМИЙ ЎРТА  
ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 5-9-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ  
ЎРТАСИДА “МАКТАБ ЛИГАСИ” СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИНИ  
ТИЗИМЛИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ ВА ЎТКАЗИШ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон қарори билан тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, болалар спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ривожлантириш, ўқувчилар ўртасида дўстона алоқаларни янада кучайтириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими тизимидаги барча умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи ёшларини спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилиш, оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, уларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, соғломлаштириш ҳамда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилишга ўргатиш, спорт турларини янада ривожлантириш, ўқувчи ёшлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган “Мактаб лигаси” спорт мусобақалари 2016-2017 ўқув йилидан бошлаб жорий этилсин.

2. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари ўртасида “Мактаб лигаси” спорт мусобақаларини (бундан буён матнда мусобақалар деб юритилди) ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

мусобақаларни ўтказиш юзасидан ташкилий қўмита, ҳакамлар хайъати ва чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш;

мусобақаларни ўтказувчи, доимий фаолият юритадиган ташкилий қўмита аъзоларини шакллантириш;

мусобақаларни мазкур буйруқ билан тасдиқланган низом асосида ўтказилишини таъминлаш;

мусобақаларни ўтиш даврида иштирокчиларнинг саломатлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш, уларга техника хавфсизлиги қоидалари бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш;

мусобақаларнинг ўтказиш жараёнларини маҳаллий оммавий ахборот воситалари, расмий веб-сайтларда ва Ziyonet ахборот таълим порталида кенг ёритиш;

амалга оширилган ишлар ва мусобақаларнинг ҳар бир босқичи якунлангандан сўнг уч кун муддатда маълумотларни ёзма ва электрон шаклда Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашига тақдим қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов) ушбу буйруқ ижроси юзасидан ҳудудларда амалга оширилаётган ишларни қатъий назоратга олсин ва амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши (Б.Сафаров)га:

мусобақаларнинг барча босқичларини юқори савияда ташкиллаштириш ва ўтказиш;

мусобақаларнинг жойларда ўтказилиши юзасидан мониторинг юритиш мақсадида Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашида Республика штабини ташкил этиш ва унинг фаолият кўрсатиши учун шароит яратиш;

мусобақаларнинг туман (шаҳар) босқичи ўтказилиши жараёнида спорт турлари бўйича таниқли спортчиларни жалб этган ҳолда “маҳорат сабоқлари”ни ўтказиш ҳамда кўргазмали чиқишларни ташкил этиш;

мусобақаларни ўтказувчи бош ҳакамлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш;

мусобақаларнинг ғолиб ва совриндор жамоаларини Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошланғич ташкилотлари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан рағбатлантириш ишларини шахсан назоратга олиш;

амалга оширилган ишлар ҳамда мусобақалар якунлари юзасидан таҳлилий маълумотларни вазирликнинг Болалар спортини ри-

вожлантириш бошқармасига беш кун муддатда ёзма ва электрон шаклда тақдим этиш вазифалари топширилсин.

6. Вазирликнинг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Рахимов) ҳамда “ZiyoNet” ресурс марказининг вазирлик ҳузуридаги бўлими (У.Тайлақов) билан биргаликда оммавий ахборот воситалари, вазирликнинг веб-сайти ва ZiyoNet.uz порталида мусобақа жараёнларини кенг ёритиши тавсия этилсин.

7. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирининг 2016 йил  
4 августдаги 197-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим  
мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари ўртасида  
“Мактаб лигаси” спорт мусобақаларини тизимли ташкил этиш  
ва ўтказиш тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сон қарори билан тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурига мувофиқ, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Мактаб лигаси” спорт мусобақаларини (бундан буён матнда мусобақалар деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

**1- боб. Умумий қоидалар**

1. Мусобақалар ҳудудларда болалар спорт иншоотларидан сармаланиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ўқувчилар ўртасида дўстона алоқаларни янада кучайтириш, ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган ҳавас ва интилишни ҳамда жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини янада оширишга қаратилган.

2. Мусобақалар Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилади (футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар бундан мустасно).

3. Мусобақаларнинг ғолиб ва совриндор бўлган жамоалари, мусобақалар ўтказилган ўқув йили ғолиблари ҳисобланадилар.

**2- боб. Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишнинг  
мақсад ва вазифалари**

4. Мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказишдан мақсад умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларни жисмоний етуқ ва ахлоқий баркамол, Ватанга садоқат руҳида комил инсон қилиб тарбиялаш, жисмоний тарбия, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантиришни

амалга ошириш, ёшларнинг ўйинли спорт турларига қизиқишлари ва эътиборларини кучайтириш, ўқувчиларнинг дарсдаи ташқари бўш вақтларини тўғри ва мазмунли ташкил этиш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш иштиёқларини камол топтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришдир.

5. Мусобақаларни ўтказишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини спорт турларига бўлган қизиқишларини янада ошириш;

спорт турларига иқтидори мавжуд ўқувчиларни аниқлаш ва уларни болалар-ўсмирлар спорт мактабларига йўналтириш;

ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этиш;

ўқувчиларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, миллий гурур ва ифтихор туйғусини ошириш;

ўқувчи ёшларни жисмоний ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, улар ўртасида спортни оммалаштириш ва ривожлантириш;

ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига доимий равишда жалб этиш.

### **3-боб. Мусобақаларнинг ўтказилиши ва иштирокчилари**

6. Мусобақалар Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилади.

7. Мусобақалар Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спортга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, мазкур Низомга ва спорт турлари бўйича мусобақа қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

8. Мусобақалар спортнинг мини футбол, волейбол, гандбол ва баскетбол турларидан ўғил ва қизлар ўртасида уч босқичда ташкил этилади:

биринчи – мактаб босқичи;

иккинчи – мактаблараро босқичи;

учинчи – туман (шаҳар) босқичи.

9. Мусобақалар умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг мини футбол, 6-7-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг волейбол, 8-9-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг баскетбол ва гандбол турларидан ўтказилади ҳамда белгиланган синф ўқувчилари таркибидан мактаблараро ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиш учун мактаб жамоаси шакллантирилади.

10. Мактаблараро мусобақалар туман (шаҳар)даги бир-бирига яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида

ўтказилади. Туман (шаҳар)лардаги мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари сони асосида ҳудудий ташкилий қўмита томонидан гуруҳлар белгиланади ва туман (шаҳар) босқичида иштирок этадиган жамоалар аниқланади.

#### **4-боб. Мусобақаларни ўтказиш муддати**

11. Мусобақаларнинг мактаб ва мактаблараро босқичи ўқув йилининг биринчи ярим йиллигида, туман (шаҳар) босқичи ўқув йилининг иккинчи ярим йиллиги мобайнида ўтказилади.

12. Мусобақаларнинг мактаб ва мактаблараро босқичлари дарсдан ажралмаган ҳолда, дарс машғулотларидан бўш вақтда ўтказилади.

#### **5-боб. Мусобақаларда иштирок этиш шартлари**

13. Мусобақаларнинг барча босқичларида соғлиғида тиббий нуқсонлари бўлмаган, махсус тайёргарликдан ўтган ўқувчилар иштирок этади.

14. Мактаблараро ва туман (шаҳар) босқичларида иштирок этиш учун талабномалар мусобақалар бошланишидан камида ўн кун олдин ташкилий қўмитага тақдим этилиши лозим.

15. Мактаблараро ва туман (шаҳар) босқичида иштирок этиш учун қуйида кўрсатилган ҳужжатлар расмийлаштирилади ва ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади:

а) умумий ўрта таълим мактаби директори томонидан тасдиқланган, жисмоний тарбия ўқитувчиси ва ҳамшира томонидан тасдиқланган ўқувчининг спорт тайёргарлигидан ўтганлиги ҳамда соғлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилган талабнома;

б) мактаблараро ва туман (шаҳар) босқичида иштирок этувчи жамоа аъзолари тўғрисида (ҳар бири учун) мактаб директори томонидан тасдиқланган (3x4 ўлчамдаги фотосурати билан) маълумотнома;

в) мусобақа иштирокчиларининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

г) суғурта полиси.

16. Мусобақаларда иштирок этиш учун ҳужжатлар мусобақадан бир кун олдин ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

17. Мазкур Низомнинг 15-бандида қайд этилган бирор ҳужжатни тўлиқ ёки қисман тақдим этмаган жамоалар мусобақаларга қўйилмайди.

#### **6-боб. Мусобақаларни ўтказишга раҳбарлик қилиш**

18. Мусобақаларга Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий раҳбарлик қилади. Мусобақаларни бевосита ташкил-

лаштириш ва ўтказиш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан амалга оширилади, шунингдек, мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмиталар, спорт турлари бўйича ҳакамлар мусобақаларнинг барча босқичларига раҳбарлик қиладилар.

19. Мусобақаларнинг барча босқичларини ўтказиш мажбурияти куйидаги масъулларга юклатилади:

умумий ўрта таълим мактаби ва мактаблараро босқичларини ўтказиш – жойлардаги халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари, Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти туман (шаҳар) раис ўринбосарлари ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман (шаҳар) вакилларига;

туман (шаҳар) босқичини ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар минтақавий бўлимлари раис ўринбосарлари ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси минтақавий филиаллари директорларига;

мусобақаларнинг барча босқичларини ўтказишни мувофиқлаштириш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашига ҳамда бош ҳакамлар ҳайъатига.

### **7- боб. Мусобақалар ғолиб ва совриндорларини мукофотлаш ҳамда молиялаштириш**

20. Мусобақаларни мактаб босқичида ғолиб бўлган жамоаларни эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

21. Мактаблараро босқичда ғолиб бўлган жамоаларни эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади.

22. Туман (шаҳар) босқичларида ғолиб ва совриндор бўлган жамоаларини эсдалик совғалари, тегишли даражадаги медаль, дипломлар билан тақдирлаш Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг минтақавий бўлимлари ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси минтақавий филиаллари томонидан амалга оширилади.

23. Мусобақаларнинг барча босқичлари иштирокчилари, ғолиб ва совриндорлари ҳомийлар ва манфаатдор ташкилотлар томонидан ажратилган эсдалик совғалари билан тақдирланиши мумкин.

### 8-боб. Низоли ҳолатларни ҳал этиш тартиби

24. Мусобақалар ўтиш даврида юзага келган баҳсли ҳолатлар томонларнинг ўзаро музокаралари асосида амалга оширилади.

25. Баҳсли ҳолатларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилишнинг имконияти бўлмаган тақдирда, мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати томонидан спорт турлари бўйича тасдиқланган мусобақа қоидалари, регламент ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда мазкур Низом асосида ҳал этилади.

26. Мусобақаларни ўтказиш жараёни юзасидан шикоятлар (жамоа вакиллари томонидан) берилган ҳолларда, барча норозилик муурожаатлар мусобақа тугаганидан сўнг бир соат ичида ёзма равишда бош ҳакамга тақдим этилиши шарт. Ташкилий қўмита ва ҳакамлар ҳайъати уни 24 соат ичида кўриб чиқади. Кўрсатилган муддатдан сўнг ёзилган ҳар қандай шикоятлар инobatга олинмайди.

### 9-боб. Якуний қоидалар

27. Мусобақалар иштирокчилари, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2014 йил 6 мартдаги “Спорт иншоотлари (сузиш ҳавзаси, спорт зал) ичида шуғулланувчилар ва томошабинларнинг ўзини тутиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 56-сон буйруғи (2014 йил 4 апрель, рўйхат рақами 2571) билан тасдиқланган қоидаларга риоя қилишлари шарт.

28. Мусобақаларда иштирок этган ўқувчиларнинг синфи низомда кўрсатилган синфдан юқори бўлганда, қалбакилаштирилган ҳужжат билан мусобақаларга жалб этилганлиги ўз тасдиғини топса, жамоанинг кўрсатган натижаси бекор қилиниб, ушбу жамоа мусобақанинг навбатдаги босқичларига қўйилмайди ва умумжамоа ҳисобида охириги ўрин берилади.

29. Мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмита томонидан қалбакилаштирилган ҳужжат билан иштирок этган ўқувчилар жамоасини мусобақаларга сафарбар қилган таълим муассасаси ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига маълумотнома юборилади.

30. Мазкур Низомга Халқ таълими вазири томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 4 август

198-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ТИЗИМИДАГИ БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБИНИНГ  
ТРЕНЕРЛАР КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДАГИ  
НАМУНАВИЙ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими тизимидаги Республика ўсмирлар олий маҳорат спорт мактаби, Республика сув спорти турлари бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг (бундан буён матнда спорт мактаби деб юритилади) тренерлар кенгаши тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

спорт мактабларининг тренерлар кенгашлари фаолиятини мазкур буйруқ билан тасдиқланган низом асосида тартибга солиш;

спорт мактабларида ташкил этилган тренерлар кенгаши фаоли-

яти самарадорлигини янада ошириш чораларини қўриш вазифалари юклатилсин.

3. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов) ушбу буйруқ ижроси юзасидан спорт мактабларида амалга оширилаётган тренерлар кенгаши фаолиятига оид ишларни қатъий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.

4. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир****У.Иноятов**

*Ўзбекистон Республикаси  
халқ таълими вазирининг  
2016 йил 4 августдаги 198-сон буйруғига  
ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги  
тизимидаги болалар-ўсмирлар спорт мактабининг  
тренерлар кенгаши тўғрисида  
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ҳамда “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон “Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, халқ таълими вазирлиги тизимидаги Республика ўсмирлар олий маҳорат спорт мактаби, Республика сув спорти турлари бўйича ихтисослаштирилган спорт мактаби ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари (бундан буён матнда спорт мактаби деб юритилади) тренерлар кенгашининг (бундан буён матнда тренерлар кенгаши деб юритилади) мақсади ва асосий вазифалари ҳамда унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

Тренерлар кенгаши спорт мактабининг таълим ва инновацион фаолиятини таъминлаш юзасидан тренерлар хизматини амалга оширадиган жамоавий орган ҳисобланади. Тренерлар кенгашининг фаолияти жамоатчилик асосида ташкил этилади.

2. Тренерлар кенгаши педагогик жамоанинг инновация, тажриба-синов, таълим-тарбия жараёнларини ривожлантириш бўйича тренер-ўқитувчиларнинг ишини мувофиқлаштиради.

3. Тренерлар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, ушбу Низомга ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек, спорт мактабининг уставига амал қилади.

4. Мазкур Низом Халқ таълими вазирлиги тизимидаги спорт мактабларига нисбатан татбиқ этилади.

## **2-боб. Тренерлар кенгашининг мақсади ва асосий вазифалари**

5. Тренерлар кенгашининг мақсади спорт мактабидаги ўқув-машқ ва тарбиявий ишлар, ўқувчи-спортчиларни танлаш, спортчилар тайёрлашни яқка тартибда режалаштириш, спорт мактабининг спорт тадбирларини ташкил этиш, ўқув-машқ жараёнини ўтказиш методикаси такомиллаштирилишини таъминлашдан иборат.

6. Тренерлар кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

спорт мактабида таълим-тарбия сифатини ошириш, юқори малакали спортчиларни тайёрлаш учун зарур бўлган тренер-ўқитувчиларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш;

туман, вилоят, республика ва халқаро спорт тадбирлари тақвим режаси ҳисобга олинган ҳолда спорт ўқув-машқ йиғинларининг вазифаларини белгилаш;

спорт мактабида спорт турлари бўйича ўқув-машқ усуллари ва машғулотларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган дастурлар, режалар, методик тавсияларни тажриба-синовдан ўтказиш ҳамда муваффақиятли ўтганларни ўқув дастурига киритиш учун спорт мактабининг педагогик кенгашига тавсия этиш;

спорт мактаби тренер-ўқитувчиларига спорт турлари бўйича замонавий педагогик технологияларни, таълим методлари, шакли ва воситаларини излаб топишга кўмаклашиш, ўқув машғулотлар жараёнида қўллашга шарт-шароит яратиш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ва таълим жараёнида ютуқларга эришадиган тренерлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар бериш;

ўқувчи-спортчилар томонидан ўқув дастурлари ўзлаштирилиши, умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларнинг бажарилиши, уларнинг кўникма ва малакаларини ўқув-машғулотлар йиллик режасига мослигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва натижаларига кўра аниқланган бўшлиқларни тўлдириш бўйича тренер-ўқитувчиларга тавсиялар бериш, аниқланган бўшлиқларга йўл қўйганликлари учун тренер-ўқитувчиларга тегишли чоралар кўриш юзасидан спорт мактаби педагогик кенгашига маълумот киритиш;

ўқув йили якунида ўқувчи-спортчиларни кейинги гуруҳга ёки спорт тайёргарлиги босқичига кўчириш, кейинги йилда ўқитиладиган гуруҳга ўтказиш учун белгиланган ёшга етмаган, бироқ ўқишнинг олдинги йили дастурий талабларини бажарган айрим ўқувчи-спортчилар ўқишнинг навбатдаги йили гуруҳига ўтказилиши юза-

сидан қарорлар қабул қилиш, шунингдек, спорт тайёргарлигининг айнан шу босқичида ўқишни давом эттириш (такроран ўқиш) масаласини кўриб чиқиш;

тренер-ўқитувчиларнинг ўқув йилдаги натижаларини таҳлил қилиб бориш ва тренер-ўқитувчиларга ишларни самарали ташкил этиш бўйича асосий вазифаларни белгилаш, уларнинг ижодий изланишлари учун семинар-тренинг машғулотлар, педагогик технологиялар бўйича тақдимотлар ўтказишни ташкил этиш;

спорт мактабида мавжуд спорт турлари бўйича спорт мактаби мусобақаларини ўтказиш;

спорт соҳасидаги тажриба алмашиш мақсадида бошқа спорт мактаблари ҳамда спорт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

спорт йўналишлари бўйича тренер ўқитувчилар ҳисоботини эшитиш, муҳокама қилиш ва улар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш;

спорт йўналиши бўйича таълим мазмунини ривожлантиришга оид масалаларни ҳал қилишга, инновацион дастурлар тузишга, диагностика таҳлил ўтказишга, янги педагогик технологияларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

тренер-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилган ўқув-методик қўлланмалар ва дидактик материалларни муҳокамадан ўтказиш.

### **3-боб. Тренерлар кенгаши фаолиятини ташкил этиш, униинг таркиби ва тузилиши**

7. Тренерлар кенгаши таркиби спорт мактаби директорининг буйруғи билан шакллантирилади.

8. Тренерлар кенгаши спорт мактабининг педагогик кенгашига бўйсунди ва ўз фаолиятини педагогик кенгаш қарорларини бажаришга йўналтиради ҳамда унга ҳисобот беради.

9. Тренерлар кенгаши таркибига спорт мактабида мавжуд спорт турлари бўйича бош тренер-ўқитувчилари киради. Спорт мактабида бешта ёки ундан кам спорт тури мавжуд бўлса, тренерлар кенгаши спорт мактабининг тренер-ўқитувчилари сонидан келиб чиқиб 5-7 кишидан иборат таркибда шакллантирилади.

10. Тренерлар кенгаши раиси ва котиби овоз бериш йўли билан спорт мактаби тренер-ўқитувчилари орасидан сайланиб, спорт мактаби директорининг буйруғи билан тайинланади.

11. Тренерлар кенгаши фаолияти спорт мактаби йиллик иш режаси асосида ташкил этилади. Тренерлар кенгаши иш режаси ўз йиғилишида кўриб чиқилади ва спорт мактаби педагогик кенгашининг қарорига асосан спорт мактаби директори томонидан тасдиқланади.

12. Тренерлар кенгаши йиғилиши ҳар икки ойда камида бир марта ўтказилади. Зарурият юзага келганда тренерлар кенгаши навбатдан ташқари йиғилиш ўтказиши мумкин. Тренерлар кенгаши йиғилиши баённомаси кенгаш котиби томонидан юритилади. Баённома тренерлар кенгаши раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Йиғилиш баённомаларининг рақами, санаси ва йиғилишда кўрилган масалалар тўғрисидаги маълумотлар тренерлар кенгаши баённомаларини қайд этиш дафтарига ёзиб борилади. Баённомаларни қайд этиш дафтари рақамланади, ип ўтказиб тикилади ҳамда спорт мактаби директори томонидан имзоланиб муҳрланади.

Тренерлар кенгашида ўқув, хўжалик ва бошқа йўналишларга оид масалалар муҳокама қилинган тақдирда, мазкур йўналиш учун масъул бўлган шахс муҳокама жараёнига жалб этилади.

#### **4-боб. Тренерлар кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

13. Тренерлар кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга: спорт мактабининг ўқув ва машғулотлар жараёнини такомиллаштиришда иштирок этиш;

тренер-ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш ва амалиётга жорий этишга оид масалаларни кўриб чиқиш;

ўқувчи-спортчиларнинг антропометрик (оғирлиги ва бўйи) маълумотлари, функционал имкониятлари ва саломатликлари назоратида, спорт кўникмалари, жисмоний ривожланганлиги ҳамда функционал тайёргарлик кўрсаткичларини синовдан ўтказиш, шунингдек, ўқувчи-спортчиларнинг умумий, махсус жисмоний тайёргарликлари ва спорт турини ўзлаштиришларини баҳолаш тадбирларида иштирок этиш;

ўқув йили якунида ўқувчи-спортчиларни кейинги гуруҳга ёки спорт тайёргарлиги босқичига кўчириш, кейинги йилда ўқитиладиган гуруҳга ўтказиш учун белгиланган ёшга етмаган, бироқ ўқишнинг олдинги йили дастурий талабларини бажарган айрим ўқувчи-спортчилар ўқишнинг навбатдаги йили гуруҳига ўтказилиш юзасидан қарор қабул қилиш;

спорт мактабининг методик кенгаши билан бирга ўқувчи-спортчиларни кейинги гуруҳга ёки спорт тайёргарлиги босқичига кўчириш, шунингдек, спорт тайёргарлигининг айнан шу босқичида ўқишни давом эттириш (такоран ўқиш) масалалари бўйича спорт мактаби педагогик кенгашига тавсиялар бериш;

тренер-ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш, ёш тренер-ўқитувчиларга машғулотлар самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш;

спорт мактаби фаолиятига оид ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича чоралар кўриш.

Тренерлар кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Тренерлар кенгашининг мажбуриятлари қуйидагилар:

ҳар чоракда фаолияти юзасидан спорт мактабининг педагогик кенгашига ҳисобот бериш;

спорт мактабида спорт таълим-тарбия сифатини янада яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш ва педагогик кенгашига тақдим этиш;

педагогик кенгашнинг иш режасини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

тренер-ўқитувчиларга спорт соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳамда спорт фаолиятига оид ҳужжатлар юзасидан тушунтириш ва кўрсатмалар бериш;

спорт турлари бўйича спорт мактаби терма жамоаси таркибини шакллантириш;

Тренерлар кенгашига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

#### **5-боб. Тренерлар кенгаши ҳужжатлари**

15. Тренерлар кенгаши фаолиятига доир қуйидаги ҳужжатлар доимий назоратдаги ҳужжатлар ҳисобланади:

спорт мактаби директорининг тренерлар кенгаши таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи;

тренерлар кенгашининг тасдиқланган йиллик иш режаси;

тренерлар кенгашининг йиғилиши баённомалари;

ўқувчи-спортчилар томонидан спорт малакасининг ўзлаштирилиши ва мусобақалардаги иштирокини қайд этиш дафтари (ҳар бир гуруҳга алоҳида);

тренерлар кенгашида муҳокама қилинган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар.

16. Тренерлар кенгаши ҳужжатларининг сақланишига тренерлар кенгаши раиси ва котиби жавобгар ҳисобланади.

Тренерлар кенгаши ҳужжатлари кенгашида уч йил мобайнида сақланади ҳамда тегишли архивга топширилади.

#### **6-боб. Яқуний қондалар**

17. Тренерлар кенгашини қайта ташкил этиш ва тугатиш спорт мактаби директорининг буйруғи асосида амалга оширилади.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 16 август

205-сонли

**Б У Й Р У Қ И****ОТА-ОНАСИНИНГ ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАР-  
НИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛ-  
ЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш шакл ва методларини янада такомиллаштириш, уларни тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитлар яратган ҳолда тарбия муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги “Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 263-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги “Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 263-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги масалаларни ҳал этиш, болаларни институционал муассасаларга юборишнинг олдини олиш, етим болаларни ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага жойлаштиришнинг муқобил шакллари ва методларини такомиллаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи орган этиб белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

3. 2016-2019 йилларда ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъ-

минлаш юзасидан вазирликнинг тармоқ дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вазир ўринбосари (Д. Кенжаев) тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

тасарруфдаги етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасалар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқсин, уларда ташкилий-техник тадбирларнинг амалга оширилишини ва методологик базанинг мустақамланишини таъминласин, мазкур муассасаларга юборилаётган етим болалар сонини камайтириш, жамиятда ижтимоий етим бўлиб қолишни самарали профилактика қилиш ва олдини олишни назарда тутсин;

ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали ташкилий ва педагогик шакллари жорий этишга, уларни жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги “Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 263-сон қароридан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н. Муротов), Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф. Узаков), Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Х. Даминов) 2016 йилда ва ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 12 августдаги “Ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 263-сон қарорида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун асосланган ҳисоб-китобларни Молия вазирлигига тақдим этиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д. Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У.Иноятов**

Халқ таълими вазирлигининг  
2016 йил 16 августдаги 205-сонли буйруғига  
илова

**2016-2019 йилларда ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг ТАРМОҚ ДАСТУРИ**

| Т/Р  | Тадбирлар номи  | Бажариш мuddати           | Масъуллар  |  |
|--|---|---------------------------|--|--|
|  |   |                           | Белгиланган вазирлик ва идоралардан  | ХТВдан   |
| <b>I. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасаларида тарбиялаш жараёнининг самардорлиги ва сифатини ошириш</b> |   |                           |  |  |
| 1.   | Қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган, шунингдек, болаларни оилаларга бериш тартибини такомиллаштиришни ва потенциал ота-оналарни барвақт аниқлаш механизмини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш. | 2016 йил сентябрь-октябрь | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги   | МАТБ (Х.Даминов),<br>Бош юрисконсулт (С.Миразимов) |
| 2.   | Миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасалар ходимлари ва тарбияланувчиларининг одоб-ахлоқ қойдаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш.  | 2016 йил III чорақ        | Халқ таълими вазирлиги,<br>«Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жаамғармаси,<br>Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан бир-галликда | МАТБ (Х.Даминов),<br>РТМ (И.Зокиров)               |

|    |  |  |  |   |
|----|--|--|--|---|
| 3. | <p>Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасаларда таълим-тарбия жараёни самардорлигини қуйидаги йўللار билан ошириш:</p> <p>педагоглар ва ижтимоий ходимлар, психологлар учун малака ошириш курслари ўқув режа ва дастурларини замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш;</p> <p>таълим-тарбия, маънавий-ахлоқий жараёнларни ташкил этиш, тарбияланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ижтимоий муҳофиза қилиш бўйича методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш.</p>                                 | <p>Доимий равишда</p> <p>2016 йил сентябрь</p> <p>2016 йил 1 чорак</p> | <p>Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Оила» илмий-амалий маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази билан биргаликда</p>   | <p>ТМФТЭББ<br/>(Ф.Аҳмедов),<br/>Авлоний номидаги<br/>ХТХҚТМОМИ<br/>(М.Юлдашев)<br/>МАТБ (Х.Даминов),<br/>РТМ (И.Зокиров)</p>  |
| 4. | <p>«SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг болалар маҳаллаларини, ёшлар уйларини ва ижтимоий марказларининг тўлиқ давлат томонидан молиялаштиришга ўтиши муносабати билан ҳамкорликнинг келгусидаги йўналишларини аниқлаш юзасидан «SOS-Kinderdorf International» халқаро жамияти билан музокаралар олиб бориш.</p>   | <p>2016 йил сентябрь-октябрь</p>                                       | <p>Халқ таълими вазирлиги, масъул вазирликлар ва идоралар<br/>«SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси билан биргаликда</p>  | <p>МАТБ (Х.Даминов),<br/>ИЖҚХБ<br/>(Д.Ташпулатов)</p>   |
| 5. | <p>Тарбияланувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, дам олишлари ва уларни келгусида касб танлашини қуйидаги йўллار билан ташкил этиш:</p> <p>тарбияланувчиларнинг уй-жой-меиший кўникмаларини ривожлантириш ва касбга йўналтириш бўйича машғулотларни ташкил этиш;</p> <p>умумтаълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларда тарбияланувчиларни предметлар ва қизиқишлар бўйича тўғарақларга, спорт секцияларига жалб этиш;</p> <p>турли танловлар ва спорт мусобақаларини ташкил этиш, ғолиблар ва қатнашчиларни рағбатлантириш.</p> | <p>2016 йил сентябрдан бошлаб</p>                                      | <p>Халқ таълими вазирлиги,<br/>Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Қамолот» ЕИҲ,<br/>«Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жағмармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда</p> | <p>МАТБ (Х.Даминов),<br/>ТМФТЭББ<br/>(Ф.Аҳмедов),<br/>МСТМБ<br/>(Қ.Атамиразаев),<br/>БСРБ (А.Алимов),<br/>РТМ (И.Зокиров)</p> |

|   |   |                    |  |   |
|---|---|--------------------|--|---|
| 6.  | <p>A. Авлоний номидати Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институтида етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасаларнинг педагог ва ижтимоий ходимлари, психологлари малакасини оширишни ташкил этиш.</p>   | 2017 йилдан бошлаб | Халқ таълими вазирлиги   | ТМФГЭББ<br>(Ф.Ахмедов),<br>Авлоний номидати<br>ХТХҚТМОИМ<br>(М.Юлдашев),<br>МАТБ (Х.Даминов)  |
| 7.  | <p>Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасалар тарбияланувчиларига комплекс диагностика, профиллактик, коррекциялаш ишлари, ижтимоий-педагогик ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш.</p>  | 2017 йил 1 чорак   | Халқ таълими вазирлиги,<br>Республика укувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази,<br>Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда, «Сен ёлғиз эмас-сан» республика жамоатчилиқ болалар жаамғармаси | РҲҲҲПТМ<br>(К.Гафуров),<br>РТМ (И.Зокиров)  |
| <b>II. Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасаларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш</b> |   |                    |  |   |
| 8.  | <p>Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасаларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш, бунда қуйидагиларни назарда тутиш:</p> <p>замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда уй ва оила шaroитларига яқинлаштирилган муассасаларнинг лойиҳасини, уларни жиҳозлаш нормаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасаларни қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш;</p> <p>“Меҳрибонлик” уйлари болалар шаҳарчаларига босқич-босқич айлантириш ҳисобига уй ва оилавий шaroитларга яқинлаштирилган муассасаларни ташкил этиш, ушбу тилдаги муассасаларни 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг хар йилги Инвестиция дастурларига киритган ҳолда қуриш.</p> | 2016 йил сентябрь  | Халқ таълими вазирлиги, Молия Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,<br>“Давархитектурурилиш” кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари   | ТММТТЭБ<br>(Ф.Узақов),<br>МАТБ (Х.Даминов),<br>МБХҲБ<br>(Н.Муротов),<br>Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ,<br>Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ |

|  |  |  |   |  |
|--|--|--|---|--|
| 9.   | <p>«Меҳрибонлик» уйларининг болаларни соғломлаштириш оромгохларини (шаҳардан ташқари уйлар) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бунда куйдагиларни назарда тутиш:</p> <p>болаларни соғломлаштириш оромгохларини (шаҳардан ташқари уйлар) замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш юзасидан хатловдан ўтказиш;</p> <p>қурилиш-монтаж ишлари ва жиҳозлаш ҳажмларини аниқлаш;</p> <p>2017-2018 йилларда қурилиш-монтаж ишларини ва жиҳозлашни амалга ошириш.</p>   | 2016 йил<br>IV чорак<br>2017-2018 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари  | ТММТТЭБ<br>(Ф.Узаков),<br>МАТБ (Х.Даминов),<br>Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ,<br>Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ                       |
| <p><b>III. Оғир турмуш шароитидаги болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга ижтимоий-психологик, педагогик ёрдам курсатиш</b></p> |  |  |   |  |
| 10.  | <p>Оғир турмуш шароитидаги болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга ижтимоий-психологик, педагогик ёрдам курсатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, унда куйдагиларни назарда тутиш:</p> <p>боланинг оиладан ажраллигини олдини олиш;</p> <p>оғир турмуш шароитидаги оиллага барвақт аралашish ва ушбу оиланинг қўллаб-қувватланишини таъминлаш;</p> <p>оилаларга ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик-педагогик хизматлар кўрсатиш;</p> <p>болаларни оила шаклидаги тузилмаларга жойлаштириш учун болаларни қабул қилиб олувчи ота-оналарни тайёрлашга кўмаклашиш;</p> <p>вазият яхшилланган оилаларга болаларининг қайтарилишига кўмаклашиш ва ушбу оилаларни кузатиб бориш.</p> | 2016 йил<br>III чорак                    | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, МТРК, «Маҳалла» фонди билан биргаликда, «Сен ёлғиз эмас-сан» республика жамоатчилик болалар жағмармаси, Республика болалар ижтимоий молашуви маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | МАТБ (Х.Даминов),<br>РУКИПТМ<br>(К.Гафуров),<br>РТМ (И.Зокмиров),<br>Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ,<br>Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ |

|  |  |                              |   |  |
|--|--|------------------------------|---|--|
| 11.  | <p>Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун муассасалар битирувчиларини ва оғир турмуш шaroитида қолган болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган психологик-педагогик ва ижтимоий-ҳуқуқий хизмат кўрсатилишини ташкил этиш.</p>   | 2017 йил<br>I чорак          | <p>Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирилиги, Соғлиқни сақлаш вазирилиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Маҳалла» фонди, «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази билан биргаликда</p>    | <p>РЎҚИПТМ<br/>(К.Гафуров),<br/>Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ,<br/>Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ</p>                       |
| 12.  | <p>Қуйидагилар бўйича таклифлар тайёрлаш: республика миnтақаларида турли ижтимоий хизматлар (ўқитиш, дам олишни ташкил этиш, психологик-педагогик ва ҳуқуқий кўмаклашиш ва бошқалар) курсатувчи марказларни ташкил этиш;<br/>етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун мўлжалланган муассасалар битирувчиларига қўл қoвратиралли «Қамолот» уйларида қoвратиралар бeриш.</p> | 2017 йил<br>I ярим<br>йиллик | <p>Халқ таълими вазирилиги, Молия вазирилиги, Соғлиқни сақлаш вазирилиги, «Давархитек» курилиш» кўмитаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази «Қамолот» ЕИХ, Ўзбекистон Қасба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Маҳалла» фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда</p> | <p>МАТБ (Х.Даминов),<br/>РЎҚИПТМ<br/>(К.Гафуров),<br/>Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ,<br/>Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ</p> |
| <b>IV. Жамиятда болаларнинг ижтимоий етимлигини профлактика қилиш ва унинг олдини олиш</b> |  |                              |   |  |
| 13.  | <p>Хаёфли гуруҳда қолган оилаларни аниқлаш бўйича тадбирларни ўтказиш йўли билан жамиятда болаларнинг ижтимоий етимлигини олдини олиш, улардаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш ҳамда ижтимоий ноқор оилаларни қўллаб-қувватлаш ва уларга кўмаклашиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш.</p>  | Доимий<br>равишда            | <p>Халқ таълими вазирилиги, Ички ишлар вазирилиги, Соғлиқни сақлаш вазирилиги «Маҳалла» фонди, Хотин-киzлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда</p>   | <p>МАТБ (Х.Даминов),<br/>РЎҚИПТМ<br/>(К.Гафуров),<br/>Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ,<br/>Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТВ</p> |

|     |   |                                 |  |   |
|-----|---|---------------------------------|--|---|
| 14. | <p>Аҳоли ўртасида оилавий тарбиянинг, оилаларда соғлом маънавий муҳит яратилишининг, ўзаро ҳурмат-эҳтиромнинг, болаларга нисбатан яхшилик ва меҳр афзалликлари орасидан кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда "давра суҳбатлари", учрашувлар ва шу каби-ларни ташкил этиш йўли билан тушунтириш ишларини олиб бориш.</p>                                | Доимий равишда                  | <p>Хотин-қизлар кўмитаси, Республика маънавият тарғибот маркази, Дин ишлари бўйича кўмига, «Маҳалла» жамоғармаси, «Оила» илмий-амалий маркази, Халқ таълими вазирилик</p>  | <p>МАТБ (Х.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТБ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ</p>   |
| 15. | <p>Ёш авлодни миллий анъаналар, урф-одатлар ва умуминсонни қадриятлар руҳида тарбиялашда оила, маҳалла, таълим муассасаларининг роли, шунингдек, оғир турмуш шароитида қолган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлатнинг ижтимоий сўб-сати мақсади ва мазмун-моҳияти тўғрисида ижтимоий реклама роликларини тайёрлаш ва намойиш қилиш.</p> | Жадвалга асосан                 | <p>МТРК, "Оила" илмий-амалий маркази, Миллий ғоя ва маф-кура илмий-амалий маркази, "Маҳалла" фонди, Хотин-қизлар кўмитаси</p>  | <p>АХ (Б.Шайвалиев), МАТБ (Х.Даминов)</p>   |
| 16. | <p>Ижтимоий етимлик муаммолари ҳамда ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш-нинг мўқобил шакллари тўғрисида телекурсувлар, радиоэшиттиришлар ва мақолалар тайёрлаш.</p>  | 2016-2017 йиллар                | <p>МТРК, Халқ таълими вазирилик, Соғлиқни сақлаш вазирилик, «Оила» илмий-амалий маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, «Маҳалла» фонди, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Сен ёлғиз эмассан» респу-блика жамоатчилик болалар жамоғармаси</p> | <p>АХ (Б.Шайвалиев), МАТБ (Х.Даминов), Қорақалпоғистон Республикаси ХТБ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ</p>   |
| 17. | <p>Таълим-тарбия жараени самарадорлигини яхшилаш, касб этикасига катъий риоя қилинишини таъминлаш бо-расида тарбиячиларнинг билим даражалари ва касбий маҳоратларини оширишга йўналтирилган семинарлар, "давра суҳбатлари", "маҳорат дарслари"ни ташкил этиш.</p>   | Доимий равишда 2016-2017 йиллар | <p>Халқ таълими вазирилик, «Оила» илмий-амалий маркази, Респу-блика болалар ижтимоий мосла-шуви маркази, «Сен ёлғиз эмас-сан» республика жамоатчилик болалар жамоғармаси, Респу-блика маънавият тарғибот маркази</p>   | <p>МАТБ (Х.Даминов), Авлоний номидаги ХТХҚТМ ОМИ (М.Юлдашев), РТМ (И.Зокиров), Қорақалпоғистон Республикаси ХТБ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ</p> |

**ИЗОҲ:**

*ТМФТЭББ – Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси*

*МАТБ – Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси*

*МБХҲБ – Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси*

*ТММТТТЭБ – Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси*

*МСТМБ – Мусиқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси*

*БСРБ – Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси*

*ИЖҚХҲБ – Инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўлими*

*АХ – Ахборот хизмати*

*РТМ – Республика таълим маркази*

*РЎКЙППТМ – Республика ўқувчиларни касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази*

*ХТХҚТМОМИ – Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ  
ВАЗИРИНИНГ**

2016 йил 30 август

219-сонли

**Б У Й Р У Қ И**

**2016-2017 ЎҚУВ ЙИЛИДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ  
ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА “УМИД НИҲОЛЛАРИ” СПОРТ  
МУСОБАҚАСИНИНГ МАКТАБ, ТУМАН (ШАҲАР) ҲАМДА  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ВА ВИЛОЯТ БОСҚИЧИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июндаги 181-сон “Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасининг мактаб, туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят босқичини юқори савияда ўтказиш, ушбу мусобақалар орқали ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. 2016-2017 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасининг (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) мактаб, туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят босқичини (бундан буён матнда вилоят босқичи деб юритилади) ўтказиш тартиби тўғрисида низом (бундан буён матнда Низом деб юритилади) 1-иловага, мусобақаларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов) ташкилий қўмита аъзолари билан биргалиқда мусобақанинг мактаб, туман (шаҳар) ва вилоят босқичини мазкур буйруқ би-

лан тасдиқланган Низом асосида белгиланган муддатларда ўтказилишини назоратга олсин.

3. Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши (бундан буён матнда Марказий кенгаш деб юритилди) (Б. Сафаров)га:

Марказий кенгашда мусобақа штабини ташкил этиш;

мусобақанинг вилоят босқичини мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом асосида белгиланган муддатларда тўлиқ ўтказилишини таъминлаш;

мусобақанинг мактаб, туман (шаҳар) ва вилоятлар миқёсида ўтказилишини, босқичлари бўйича таҳлил қилиб бориш;

ушбу буйруқда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳамда мусобақанинг вилоят босқичини ўтказиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш;

мусобақанинг ҳар бир босқичи якунидан сўнг вазирликнинг Болалар спортини ривожлантириш бошқармасига маълумот тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

мусобақанинг вилоят босқичини ҳудудларда ўтказувчи ташкилий қўмита ва спорт турлари бўйича апелляция комиссияси таркибини шакллантириш;

мусобақаларни юқори савияда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этиш ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларининг мусобақани ўтказиш бўйича аниқ вазифаларини белгилаб бериш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда мусобақаларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудий маданият ва спорт ишлари бошқарма ва бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари спорт заллари, спорт иншоотларида мусобақа иштирокчилари учун етарли шарт-шароитлар яратиш;

мусобақаларнинг ҳар бир босқичига қатнашадиган ўқувчиларни тиббий кўрикдан ўтган ҳолда қатнашишларини, шунингдек, спорт иншоотлари ва овқатланиш жойларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинишини қатъий назоратга олиш;

мусобақаларнинг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларини янги барпо этилган болалар спорт иншоотлари, майдонлари ва сузиш ҳавзаларида ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш;

умумий ўрта таълим мактабларида мусобақага бағишланган бурчаклар ҳамда мусобақани ёритиб борувчи, ўқувчиларни спортга бўлган қизиқишини уйғотувчи тарғибот ва ташвиқот стендларини ташкил этиш;

мусобақаларнинг вилоят босқичи иштирокчиларини спорт либослари билан таъминлаш ҳамда мусобақа билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш чораларини кўриш;

мусобақаларнинг саралаш босқичи жараёнларини оммавий ахборот воситалари, Қорақалпоғистои Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг веб-сайти ва “ZiyoNET.uz” таълим порталида кенг ёритиш вазифалари юклатилсин.

5. Халқ таълими вазирлигининг Ахборот хизмати (Б. Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А. Рахимов) ҳамда “ZiyoNET” ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими (У. Тайлақов)га оммавий ахборот воситалари, вазирликнинг интернетдаги расмий веб-сайти ва “ZiyoNET.uz” порталида мусобақа жараёнларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур буйруқ бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д. Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир**

**У. Иноятов**

*Халқ таълим вазирининг  
2016 йил 30 августдаги  
219-сонли буйруғига  
1-ИЛОВА*

**2016-2017 ўқув йилида умумий ўрта таълим  
мактаблари ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари“ спорт  
мусобақасининг мактаб, туман (шаҳар) ҳамда Қорақалпоғистон  
Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят босқичларини  
ўтказиш тартиби тўғрисида низом**

Мазкур Низом 2016-2017 ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллар” спорт мусобақасининг (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) мактаб, туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар босқичини (бундан буён матнда вилоят босқичи деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

**1- боб. Умумий қоидалар**

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида мусобақанинг мактаб, туман (шаҳар) ва вилоят босқичини ташкил қилиш, ўтказиш ва барча ташкилий-техник, молиявий масалаларни ўз вақтида ҳал этиш учун умумий ўрта таълим мактаблари директорлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари масъулдирлар.

2. Мусобақалар мазкур Низомда белгиланган спорт турлари бўйича ўтказилади.

3. Мазкур Низом талабларини бажармаган ҳамда мусобақа босқичларини ўтказмаган, шунингдек, спорт турлари бўйича жамоаларнинг иштирокини таъминламаган раҳбарларга нисбатан интизомий чоралар кўрилиши белгиланади.

4. Мусобақалар ушбу Низом ҳамда спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказиш қоидаларига асосан ўтказилади ва заруриятга кўра, Ташкилий қўмита томонидан “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари низомига ўзгартириш киритилиши мумкин.

## 2-боб. Мусобақанинг мақсад ва вазифалари

5. Мусобақанинг мақсади ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама жисмоний камол топишига ва соғлом турмуш тарзига эҳтиёжини шакллантириш, спорт мусобақаларини ўтказиш орқали уларнинг қалби ва онгига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш ҳамда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборат.

6. Мусобақани ўтказишнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенгроқ жалб этиш;

ўқувчиларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ошириш;

ўқувчилар ўртасида спортнинг оммавийлашган ва миллий турларини янада ривожлантириш;

ўқувчиларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотлариغا доимий равишда жалб этиш билан бир қаторда юқори малакали спортчиларни тайёрлаш.

## 3-боб. Спорт турлари бўйича иштирокчилар таркиби ва ўтказиш муддати

7. Спорт турлари бўйича иштирокчилар таркиби мазкур низомнинг 1-иловасига мувофиқ ўтказилади.

8. Мусобақа қуйида кўрсатилган босқичларда ўтказилади:

а) мусобақанинг биринчи босқичи умумий ўрта таълим мактаби босқичи бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирилик, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳамда Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг минтақавий бўлимлари томонидан умумий ўрта таълим мактабларида (ўқишдан ажралмаган ҳолда) октябрь ойидан бошланиб, 1-4, 5-7 ва 8-9-синф ўқувчилари ўртасида спортнинг белгиланган турлари бўйича ўтказилади. Умумий ўрта таълим мактабининг спорт турларидан яхши натижаларни кўрсатган, кўникма ва маҳорати юқори бўлган 1-4, 5-7 ва 8-9-синф ўқувчилари орасидан терма жамоалар шакллантирилади ва улар туман (шаҳар) босқичи мусобақаларида қатнашади;

б) мусобақанинг туман (шаҳар) босқичи жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида, яъни ўқувчиларнинг кузги ва қишки таътил даврида умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4, 5-7 ва 8-9-синф ўқувчиларидан ташкил топган мактаб терма жамоалари ўртасида ўтказилади. 2016 йилнинг ноябрь ойида (ўқувчиларнинг кузги таътили вақтида) умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4-синф ўқувчиларидан таркиб топган терма жамоалари ўртасида спортнинг мини футбол, енгил атлетика, гимнастика, шахмат ва шашка турлари бўйича туман (шаҳар) босқичи ўйинлари ўтказилади. 1-4-синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган мусобақалар ўқувчиларнинг жисмоний имкониятлари ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда енгиллаштирилган тартибда мусобақа низомларини ишлаб чиқиш халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга 1-4-синф ўқувчи терма жамоалари ўртасидаги ўйинлар тўлиқ якунланади. Мазкур мусобақаларда ҳудудлар ғолиблари аниқланади ва уларнинг натижаларига биноан ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-7 ва 8-9-синф ўқувчилари ўртасида мусобақани туман (шаҳар) босқичи ўйинлари ўқувчиларнинг кузги ва қишки таътил даврида ўтказилади (мазкур даврда мусобақани туман (шаҳар) босқичи самарадорлигини ошириш мақсадида мактаблараро мусобақалар ҳам ўтказилиши мумкин). Мусобақалар якунига асосан туман (шаҳар) босқичи ғолиблари аниқланади, ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланади. Ушбу босқичда юқори натижа кўрсатган 5-7 ва 8-9-синф ўқувчилари орасидан туман (шаҳар) терма жамоалари шакллантирилади ва улар вилоят мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар;

в) мусобақанинг вилоят босқичи 2017 йил март ойида (ўқувчиларнинг баҳорги таътили вақтида) 5-7 ва 8-9-синф ўқувчиларининг терма жамоалари ўртасида мусобақа низомида белгиланган спорт турлари бўйича ўтказилади. Мазкур мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят ғолиблари аниқланади ҳамда ғолиблар медаль, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

#### **4- боб. Мусобақаларни ўтказишга раҳбарлик қилиш**

9. Мусобақага тайёргарлик кўриш ва ўтказишга умумий раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ

таълими бошқармалари ҳамда улар томонидан тасдиқланган бош ҳакамлар ҳайъати томонидан амалга оширилади.

10. Мусобақани босқичлар бўйича ўтказишга раҳбарлик қилиш юклатиладиганга:

биринчи босқич умумий ўрта таълим мактаби директори ҳамда “Жисмоний тарбия” фани ўқитувчиларига;

иккинчи босқич халқ таълими муассасалари фаолиятини ме-тодик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудир, “Жисмоний тарбия” фани услубчиси, “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг минтақавий туман (шаҳар) бўлими раиси ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман (шаҳар) вакили;

учинчи босқич Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг минтақавий бўлими раиси ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиали директори.

#### **5-боб. Мусобақада иштирок этиш шартлари**

11. Мусобақаларнинг барча босқичларида соғлигида тиббий нуқсонлари бўлмаган, махсус тайёргарликдан ўтган ўқувчилар иштирок этади.

12. Мусобақаларда иштирок этиш учун мазкур низомнинг 2-ило-васи билан тасдиқланган жадвал асосида ҳужжатлар расмийлаш-тирилади ва ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади ҳамда ушбу ҳужжатлар асосида мусобақаларда иштирок этишга рухсат бери-лади.

#### **6-боб. Мусобақа ғолиб жамоаларини аниқлаш**

13. Мусобақанинг барча босқичида ҳар бир спорт тури бўйича жамоавий ўринлар аниқланади.

14. Умумжамоавий ўринлар ҳар бир спорт тури бўйича жамоа-ларнинг эгаллаган ўрнига қараб, тўпланган баллар йиғиндисига мувофиқ мазкур низомнинг 3-иловаси билан тасдиқланган жадвал асосида амалга оширилади.

15. Агар жамоалар бирон-бир спорт турига қатнашмаса, улар-дан 1 балл олиб қўйилади ва мазкур жамоага минус бир балл жа-рима қўлланилиб, жамоанинг умумий баллар йиғиндисидан айириб ташланади.

16. Умумжамоавий ўринларни аниқлаш чоғида икки ва ундан ортиқ жамоаларда баллар тенг бўлган ҳолларда спорт турлари бўйича жамоаларнинг кўпроқ 1, 2, 3- ва ҳ.к. ўринларни эгаллаганлигига қараб белгиланади.

17. Мусобақа жараёнида бирон-бир ўйин ёки беллашув натижасидан норози бўлган тараф ўйин ёки беллашув тугганидан сўнг 30 дақиқа муддат ичида ёзма равишда (барча далиллар билан) мусобақа Бош ҳақамига апелляция шикоятини тақдим этиш ҳуқуқига эга. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш спорт турлари қоидалари ва норматив ҳужжатларида белгиланган тартибига асосан, тасдиқланган апелляция комиссия томонидан амалга оширилади.

### **7-боб. Мусобақа ғолиблари, совриндорларини мукофотлаш**

18. Ҳар бир спорт тури бўйича 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган жамоалар ҳудудий ташкилий қўмита томонидан белгиланган тегишли даражадаги диплом, кубок ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

19. Шахсий ва жамоа мусобақаларида 1, 2 ва 3-ўринни эгаллаган мусобақа иштирокчилари тегишли даражадаги медаллар, диплом ва эсдалик совғалари билан мукофотланади.

20. Мусобақада 1, 2 ва 3-ўринларга сазовор бўлган ўқувчиларнинг мураббийлари ҳудудий ташкилий қўмитанинг фахрий ёрлиғи билан мукофотланадилар.

21. Мусобақанинг мактаб босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг бошланғич ташкилоти томонидан, туман (шаҳар) босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш сарф-харажатлари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими ва “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг туман (шаҳар) бўлими, вилоят босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш сарф-харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг минтақавий бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиали томонидан амалга оширилади.

22. Ҳомий ташкилотлар ва фуқаролар томонидан таъсис этиладиган мукофотлар ҳудудий ташкилий қўмита билан аввалдан келишиб олиниши лозим.

## 8-боб. Мусобақа ўтказиладиган спорт турлари

23. Мусобақалар қуйидаги спорт турларидан ўтказилади:

- |                  |                     |                        |
|------------------|---------------------|------------------------|
| а) баскетбол;    | ж) бокс;            | н) бадий гимнастика;   |
| б) волейбол;     | з) дзюдо;           | о) спорт гимнастикаси; |
| в) футбол;       | и) эркин кураш;     | п) оғир атлетика;      |
| г) гандбол;      | й) юнон рум кураши; | р) кураш;              |
| д) стол тенниси; | к) тазквандо WTF;   | с) белбоғли кураш;     |
| е) бадминтон;    | л) енгил атлетика;  | т) турон яккакураши;   |
| ё) сузиш;        | м) шахмат;          | у) ўзбек жанг санъати. |

24. **Баскетбол** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 28 нафар, шундан 12 нафар ўғил, 12 нафар қиз бола, 2 нафар мураббий ва 2 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Халқаро баскетбол федерацияси қоидаларига асосан ўтказилади.

25. **Волейбол** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 28 нафар, шундан 12 нафар ўғил, 12 нафар қиз бола, 2 нафар мураббий ва 2 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Халқаро волейбол федерацияси қоидаларига асосан ўтказилади.

26. **Футбол** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 20 нафар, шундан 18 нафар ўқувчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан тасдиқланган “Футбол ўйини қоидалари” га асосан ўтказилади.

27. **Гандбол** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 28 нафар, шундан 12 нафар ўғил, 12 нафар қиз бола, 2 нафар мураббий ва 2 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Халқаро гандбол федерацияси томонидан тасдиқланган қоидалар асосида ўтказилади.

28. **Эркин кураш** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 17 нафар, шундан 14 нафар ўқувчи, 2 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Халқаро бирлашган курашлар федерацияси томонидан тасдиқланган қоида асосида олимпия тизими бўйича барча

ўринлар аниқланиб ўтказилади. Жамоалардан ҳар вази тоифасига фақат бир иштирокчи қўйилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

а) 5-7 синфлар - 32, 35, 38, 42, 47, 53, 59 кг.;

б) 8-9 синфлар - 42, 46, 50, 54, 58, 63, 69 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

29. **Юнон-рум кураши** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 17 нафар, шундан 14 нафар ўқувчи, 2 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Халқаро бирлашган курашлар федерацияси томонидан тасдиқланган қоида асосида олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади. Жамоалардан ҳар вазн тоифасига фақат бир иштирокчи қўйилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

а) 5-7 синфлар - 32, 35, 38, 42, 47, 53, 59 кг.;

б) 8-9 синфлар - 42, 46, 50, 54, 58, 63, 69 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

30. **Дзюдо** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 17 нафар, шундан 14 нафар ўқувчи, 2 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги Халқаро дзюдо федерацияси қоидалари асосида олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади. Жамоалардан ҳар вазн тоифасига фақат бир иштирокчи қўйилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

а) 5-7 синфлар - 32, 35, 38, 42, 47, 53, 59 кг.;

б) 8-9 синфлар - 42, 46, 50, 54, 58, 63, 69 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

31. **Кураш** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 17 нафар, шундан 14 нафар ўқувчи, 2 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги Халқаро Кураш ассоциацияси томонидан тасдиқланган “Кураш” қондаси ҳамда олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади. Жамоалардан ҳар вазн тоифасига фақат бир иштирокчи қўйилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

а) 5-7 синфлар - 32, 35, 38, 42, 46, 50, 55 кг.;

б) 8-9 синфлар - 38, 42, 46, 50, 55, 60, 65 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

32. **Белбоғли кураш** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 17 нафар, шундан 14 нафар ўқувчи, 2 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги Белбоғли кураш федерацияси томонидан тасдиқланган “Белбоғли кураш” қондаси ҳамда олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади. Жамоалардан ҳар вазн тоифасига фақат бир иштирокчи қўйилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

а) 5-7 синфлар - 32, 35, 38, 42, 46, 50, 55 кг.;

б) 8-9 синфлар - 38, 42, 46, 50, 55, 60, 65 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

33. **Бокс** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 33 нафар, шундан 30 нафар ўқувчи, 2 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги Халқаро бокс федерацияси қоидалари асосида олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади. Жамоалардан ҳар вазн тоифасига фақат бир иштирокчи қўйилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

а) 5-7 синфлар - 42, 44, 46, 48, 50, 52, 54, 56, 58, 60, 63, 66, 70, 75, +80 кг.;

б) 8-9 синфлар - 44, 46, 48, 50, 52, 54, 56, 58, 60, 63, 66, 70, 75, 80, +80 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1,2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

34. **Таэквондо** WTF спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 32 нафар, шундан 14 нафар ўғил, 14 нафар қиз бола, 2 нафар мураббий ва 2 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалдаги Халқаро таэквондо (WTF) қоидалари асосида олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади. Жамоалардан ҳар вазн тоифасига фақат бир иштирокчи қўйилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

а) 5-7 синфлар - ўғил болалар - 37, 41, 45, 49, 53, 57, +57 кг.;

- қиз болалар - 33, 37, 41, 44, 47, 51, +51 кг.;

б) 8-9 синфлар - ўсмирлар - 45, 48, 51, 55, 59, 63, +63 кг.;

- қизлар - 42, 44, 46, 49, 52, 55, +55 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

35. **Турон яккакураши** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 27 нафар, шундан 12 нафар ўғил, 12 нафар қиз бола, 2 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Халқаро Турон яккакураши Ассоциацияси томонидан тасдиқланган қонун-қоидалар асосида олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади. Жамоалардан ҳар вазн тоифасига фақат бир иштирокчи қўйилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

- а) 5-7 синфлар - ўғил болалар - 32, 36, 40, 44, 46, 50 кг.;  
- қиз болалар - 30, 33, 36, 39, 42, 45 кг.;
- б) 8-9 синфлар - ўсмирлар - 45, 48, 51, 55, 59, 63 кг.;  
- қизлар - 42, 44, 46, 49, 52, 55 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

Мусобақаларни ўтказиш давомийлиги:

- а) 5-7 синф ўқувчиларига эркин машқ учун бир (1), беллашувлар учун икки (2) дақиқадан 2 қисм;
- б) 8-9 синф ўқувчиларига эркин машқ учун бир ярим (1,5), беллашувлар учун икки (2) дақиқадан 2 қисм вақт берилади.

Мусобақалардаги намойишида спортчилар мусиқа (ўзи танлаган) садолари остида белгиланган вақт мобайнида ўз хоҳишига кўра турон яккакурашига оид спорт ҳаракатларини бажаради ва фақат мазкур низомнинг 4-иловаси билан тасдиқланган жадвалдаги техник ҳаракатларни бажарганлиги учун баҳоланади. Машқларни бажаришда ҳаракатларнинг аниқлиги, бажариш тезлиги ва техник амалларни бир-бирига ҳамоҳанглиги эътиборга олинади.

**36. Оғир атлетика** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 30 нафар, шундан 14 нафар ўғил, 12 нафар қиз бола, 3 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади. Мусобақалар Халқаро оғир атлетика федерацияси қоидаларига асосан барча ўринлар аниқланиб ўтказилади.

Мусобақа иштирокчилари қуйидаги вазн тоифаларида қатнашадилар:

- а) 5-7 синфлар - ўғил болалар - 38, 42, 46, 50, 56, +56 кг.;  
- қиз болалар - 36, 40, 44, 48, +48 кг.;
- б) 8-9 синфлар - ўсмирлар - 42, 46, 50, 56, 62, 69, 77, +77 кг.;  
- қизлар - 40, 44, 48, 53, 58, 63, +63 кг.

Мусобақа шахсий жамоавий биринчилик сифатида ўтказилади, ҳар бир вазн тоифаси бўйича барча ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 - ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

**37. Енгил атлетика** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 24 нафар, шундан 10 нафар ўғил, 10 нафар қиз бола, 2 нафар мураббий ва 2 нафар ҳакам иштирок этади. Мусобақалар Халқаро енгил атлетика федерацияси томонидан тасдиқланган қоидаларига асосан барча ўринлар аниқланиб ўтказилади.

Ўғил болалар ўртасида югуриши - 100, 200, 400, 800, 1500, 3000 м.га, эстафета 4x100 м, 4x400 м, 110 м. тўсиқлар оша югуриш (тўсиқлар оралиғидаги масофа 35 м.), баландликка, узунликка ва узунликка уч ҳатлаб сакраш, ядро (5 кг.) ва найза (700 гр.) улоқтириш бўйича;

Қиз болалар ўртасида югуриши - 100, 200, 400, 800, 1500 м.га, эстафета 4x100 м., 4x400 м., 100 м. тўсиқлар оша югуриш (тўсиқлар оралиғидаги масофа 35 м.), баландликка, узунликка ва узунликка уч ҳатлаб сакраш, ядро (4 кг.) ва найза (600 гр.) улоқтириш бўйича.

Мусобақанинг тўсиқлар оша югуриш дастури бўйича тўсиқлар баландлиги мусобақа бош ҳаками ва ҳакамлар ҳайъати томонидан 5-7 ва 8-9 синф ўқувчилари учун алоҳида мос равишда ўрнатилиши тавсия этилади.

Синов тизими дастурнинг ҳар бир турига 2 кишидан кўп бўлмаган ва 1 тадан эстафета жамоасини тақдим этиши мумкин. Жамоа биринчилигини аниқлаш учун 17 та натижа ҳисобга олинади ва қўшимча 3 та эстафетадаги натижа билан аниқланади. Жами 20 та натижа бўлади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади (баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

Эстафеталарда баллар "2" коэффициенти билан ҳисобланади.

**38. Бадминтон** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 10 нафар, шундан 4 нафар ўғил, 4 нафар қиз бола, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади. Мусобақа Халқаро бадминтон федерацияси томонидан тасдиқланган қоидалар асосида шахсий ва жамоавий тарзда бўлиб ўтади.

Мусобақанинг ўтказилиш тартиби:

якка учрашувлар (ўғил ва қиз болалар); ўғил болалар жуфтлик учрашувлари; қиз болалар жуфтлик учрашувлари ҳамда аралаш жуфтлик (ўғил ва қиз болалар).

Ҳар бир даражада мусобақа такомиллаштирилган олимпия тизими бўйича барча ўринлар аниқланиб ўтказилади. Ҳар бир бадминтончи якка ва аралаш жуфтликда ўзининг сеткасида эгаллаган ўрни учун балл олади ва баллар қиймати жамоанинг эгаллаган ўринини билдиради.

Учрашувлар 3 партиядан иборат бўлиб, 11 очкогача ўйналади. Икки партиядо ғолиб бўлган спортчи ғолиб деб ҳисобланади.

**39. Стол тенниси** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 6 нафар, шундан 2 нафар ўғил, 2 нафар қиз бола, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади. Мусобақалар Халқаро стол тенниси федерацияси қоидалари асосида барча ўринлар аниқланган ҳолда ўтказилади.

Мусобақалар жамоавий тарзда ёки шахсий жамоавий биринчилик тарзида ўтказилади.

Жамоавий мусобақаларда жамоалар гуруҳларга бўлинган ҳолда айланма тарзда беллашадилар. Гуруҳларда эгаллаган ўрнига қараб олимпия тизими бўйича мусобақалар давом эттирилиб, барча ўринлар аниқланади.

**40. Сузиш** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 10 нафар, шундан 4 нафар ўғил, 4 нафар қиз бола, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади. Мусобақалар Ўзбекистон Сузиш федерацияси томонидан тасдиқланган қоидалар асосида ўтказилади.

Мусобақалар дастури:

Ўғил болалар: 100 м., 200 м., 50 м. - брасс; 50 м., 100 м., 200 м., - эркин усул; 50., 100 м., - баттерфляй;

50 м., 100 м., 200 м. - орқада, эстафета 4x50 м., - эркин усул; эстафета 4x50 м., - аралаш сузиш усулида.

Қиз болалар: 50., 100 м., 200 м. - брасс; 50 м., 100 м., 200 м., - эркин усул; 50 м., 100 м., - баттерфляй;

50 м., 100 м., 200 м. - орқада, эстафта 4x50 м., - эркин усул; эстафета 4x50 м., - аралаш сузиш усулида.

Синов тизими ҳар бир турга 2 спортчини қўйиш мумкин ва улар эстафеталарда иштирок этишга ҳақлидир. Ҳар бир қатнашчи дастурдаги ўзининг 2 оралиқ масофаси ва эстафетада қатнашишга руҳсат этилади.

Жамоа биринчилиги энг кўп тўпланган нисбатан очколар бўйича баҳолаш жадвал асосида шахсий мусобақалардаги очколар йиғиндисига қараб ўринлар аниқланади.

Мусобақа ғолиб жамоасини аниқлаш спортчиларнинг эгаллаган ўрни бўйича тўпланган балларнинг йиғиндиси асосида белгиланади

(баллар тенг бўлган ҳолларда 1, 2, 3 ва ҳ.к. ўринлар кўпроқ бўлган жамоа устунликка эга бўлади).

Эстафеталарда мусобақалар “2” коэффицентига кўпайтириб ҳисобланади.

41. **Шахмат** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 5 нафар, шундан 2 нафар ўғил, 2 нафар қиз бола, 1 нафар мураббий иштирок этади. Мусобақалар Швейцария тизими бўйича Халқаро шахмат Федерацияси (ФИДЕ) томонидан тасдиқланган Шахмат кодекси асосида 7 ёки 9 тур тизими бўйича ўтказилиши мумкин. Ҳар бир жамоада 2 нафар ўғил бола, 2 нафар қиз бола иштирок этади.

Мусобақада ҳар бир қатнашчига ўйин учун 30 дақиқадан вақт берилади. Мусобақада қатнашмаган ёки ундан сабабсиз чиқиб кетганлар кейинги учрашувларга қўйилмайди ва уларнинг натижалари бекор қилинади.

42. **Бадий гимнастика** спорт тури бўйича мусобақалар қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 7 нафар, шундан 5 нафар қиз бола иштирокчи, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Халқаро гимнастика федерацияси (FIJ) томонидан тасдиқланган қоидаларга асосан ўтказилади. Ҳар бир иштирокчи белгиланган тартибда ўзининг мусиқасига эга бўлиши шарт ва куйида келтирилган мусобақа дастури бўйича ўзи танлаган предметларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Мусобақа дастури:

а) 5-7 синфлар - 2 та машқда;

б) 8-9 синфлар - 3 та машқларда иштирок этадилар.

Мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари, шунингдек, қолган спортчиларнинг эгаллаган ўринлари ва умумжамоа ўринлари мусобақалар қоидаларига асосан аниқланади.

43. **Спорт гимнастикаси** спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 6 нафар, шундан 2 нафар ўғил, 2 нафар қиз бола, 1 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Ўғил болалар ўртасида:

а) Узоққа икки маротаба умбалоқ ошиш, орқага умбалоқ ошиш, куракда 2 сония тик туриш ва умбалоқ ошиш тик туриш.

б) 5 метрлик тик арқонга оёқлар ёрдамсиз тирмашиб чиқиш:

10 сония - 5 балл, 13 сония - 4 балл, 15 сония - 3 балл, 17 сония - 2 балл, 18 сония - 1 балл.

в) Узунасига ўрнатилган от устидан оёқларни кериб сакраш, гимнастика кўприги отдан 1 метрдан кам бўлмаган ораликда.

г) Турникда осилиб тебранишда гавдани кескин ёзиш билан таянчга кўтарилиш. Ойсимон ҳаракат билан пастга тушиш.

д) Брусъя қўлларда таянишдан тебраниб олдинга силтаниш билан таянчга кўтарилиш, қўшпояда таяниб тебранишда 180° га бурилиб сакраб тушиш.

е) Тортилиш турнигида осилиб туриш ҳолатидан осилиб, гавдани кескин ёзиш билан таянчга кўтариш: 10 маротаба - 8 балл, 8 маротаба - 4 балл, 6 маротаба - 3 балл, 4 маротаба - 2 балл, 2 маротаба - балл.

**Изоҳ:** Белгиланмаган бандлардаги баллар ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

Қиз болалар ўртасида:

а) Таяниб сакраш (ихтиёрий танланган битта сакраш бажарилади)

1) Олдинга умбалоқ ошиш (столнинг баландлиги 125 см. - 10 балл)

2) Оёқни йиғиб сакраш, гавдани тўғирлаб сакраш (столнинг баландлиги -115 см. - 3.0 балл)

б) Брусъя (ихтиёрий танланган битта машқ максимал бажарилади, максимал қийинлиги - 10.0 балл)

1) Турникда осилиб тебранишда гавдани кескин ёзиш билан таянчга кўтарилиш - бир марта -1.0 балл

2) Гавдани айлантириб таянчга туриш - бир марта - 0.5 балл

3) Тортилиш - бир марта - 0.2 балл

в) Бревно (максимал 8 та элемент ҳисобланади, ҳар бир пунктда биттадан, максимал қийинлиги -11.0 балл.

1) Турли усулда бошлаш +0.5 балл

2) Турли усулда айланиш + 2.0 балл

3) Турли умбалоқ ошиш + 1.0 балл

4) Турли усулда оёқни кериб сакраш + 1.0 балл

5) Турли усулда сакраш + 0.5 балл

6) Турли усулда учиш билан айланиш + 3.0 балл

7) Турли усулда бир оёқда 360° даражага

8) Турли усулда бревнодан сакраш-айланиш + 1.0 балл, бурилиб сакраш +2.0 балл; айланиб сакраш + 1.0 балл; Сакраш билан + 0.5 балл

г) Эркин машқлар:

Максимал 8 элементлар боғлам ҳисобланади

Ҳар бир пунктда биттадан максимал қийинлиги -11.0 балл

1) Турли усулда рондат-фляк-салто + 4.0 балл (салтосиз - 2.0 балл)

2) Турли усулда сальто олдинга + 2.0 балл

3) Учиш ҳолати билан олдинга сакраш +1.0 балл

- 4) Турли усулда оёқни кериб сакраш + 2.0 балл  
5) Умбалоқ ошиб тик туриш ёки 360° даражага айланиб тик туриш + 1.0 балл  
6) Мусиқа билан + 1.0 балл

43. **Ўзбек жанг** санъати спорт тури бўйича мусобақалар ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтказилади, унда жами жамоа таркиби 21 нафар, шундан 9 нафар ўғил, 9 нафар қиз бола, 2 нафар мураббий ва 1 нафар ҳакам иштирок этади.

Мусобақалар Ўзбек жанг санъати федерацияси томонидан тасдиқланган мусобақа ўтказиш қоидалари ҳамда баҳолаш шартлари асосида ўтказилади. Шунингдек, мусобақа иштирокчиларининг ҳимоя воситалари ҳамда спорт кийимлари Ўзбек жанг санъати федерацияси томонидан тасдиқланган мусобақа ўтказиш талабига жавоб бериши лозим.

**Мусобақалар икки йўналиш бўйича ўтказилади:**

а) 5-7 синфлар ўқувчилари ўртасида “Ватан”, “Истиқлол”, “Баркамол авлод” комплекс машқлари бўйича ўтказилади. Бунда 3 нафар ўғил ва 3 нафар қиз (5-синф 1 + 1, 6-синф 1+1, 7-синф 1 + 1) иштирок этадилар.

б) 8-9 синфлар ўқувчилари ўртасида “Ўзбекистон”, “Амир Темур”, “Жалолоддин Мангуберди” комплекс машқлари ва беллашув бўйича ўтказилади.

Бунда 6 нафар ўғил ва 6 нафар қиз болалар қуйидаги вазн тоифаларида (бир жамоадан, ҳар бир вазнга бир нафар иштирокчи) иштирок этадилар:

- ўғил болалар - 40, 44, 48, 52, 60, 64 кг;

- қиз болалар - 38, 42, 46, 50, 54, 58 кг.

Беллашув йўналиши бўйича мусобақаларни ўтказиш давомийлиги:

8-9 синф ўқувчилари учун икки (2) дақиқадан 2 раунд.

Комплекс машқлар ва баҳолаш тартиби мазкур низомнинг 5-илоvasи билан белгиланган тартибдаги ҳакамлик варақаси жадвали асосида баллар белгиланади.

Низомга 1-ИЛОВА

**“Умид ниҳоллари” спорт мусобақасида спорт турлари бўйича иштирокчилар таркиби**

| T/р | Спорт турлари        | Спортчилар сони |              |             | Мураббийлар | Ҳакамлар** | Жами |
|-----|----------------------|-----------------|--------------|-------------|-------------|------------|------|
|     |                      | жами            | шундан:      |             |             |            |      |
|     |                      |                 | ўғил болалар | қиз болалар |             |            |      |
| 1   | Баскетбол *          | 24              | 12           | 12          | 2           | 2          | 28   |
| 2   | Волейбол *           | 24              | 12           | 12          | 2           | 2          | 28   |
| 3   | Футбол *             | 18              | 18           | -           | 1           | 1          | 20   |
| 4   | Гандбол (қўл тўпи) * | 24              | 12           | 12          | 2           | 2          | 28   |
| 5   | Эркин кураш          | 14              | 14           | -           | 2           | 1          | 17   |
| 6   | Юнон-рум кураши      | 14              | 14           | -           | 2           | 1          | 17   |
| 7   | Дзю-до               | 14              | 14           | -           | 2           | 1          | 17   |
| 8   | Кураш                | 14              | 14           | -           | 2           | 1          | 17   |
| 9   | Белбоғли кураш       | 14              | 14           | -           | 2           | 1          | 17   |
| 10  | Бокс                 | 30              | 30           | -           | 2           | 1          | 33   |
| 11  | Таэквондо ВТФ        | 28              | 14           | 14          | 3           | 2          | 33   |
| 12  | Турон яккакураши     | 24              | 12           | 12          | 2           | 1          | 27   |
| 13  | Оғир атлетика        | 26              | 14           | 12          | 3           | 1          | 30   |
| 14  | Енгил атлетика       | 20              | 10           | 10          | 2           | 2          | 24   |
| 15  | Бадминтон            | 8               | 4            | 4           | 1           | 1          | 10   |
| 16  | Стол тенниси *       | 4               | 2            | 2           | 1           | 1          | 6    |
| 17  | Сузиш *              | 8               | 4            | 4           | 1           | 1          | 10   |
| 18  | Шахмат               | 4               | 2            | 2           | 1           | 1          | 6    |
| 19  | Бадий гимнастика     | 5               |              | 5           | 1           | 1          | 7    |
| 20  | Спорт гимнастикаси   | 4               | 2            | 2           | 1           | 1          | 6    |
| 21  | Ўзбек жанг санъати   | 18              | 9            | 9           | 2           | 1          | 21   |

Изоҳ: \*Иштирокчилар таркиби 5-7 ва 8-9 синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда юқорида келтирилган жадвал асосида ўғил ва қиз болалар ўртасида алоҳида-алоҳида шакллантирилади.

\*\* жамоалар билан ташриф буюрадиган ҳакамлар бош ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, тақдим қилинган рўйхатдан чиқарилиши мумкин.

*Низомга 2-ИЛОВА*

**“Умид ниҳоллари” спорт мусобақасида иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати**

| Т/р | Ҳужжатлар номи  | Сони      |
|-----|---|-----------|
| 1.  | Талабнома   | 2 нусхада |
| 2.  | Ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси   | 1 нусхада |
| 3.  | Яшаш жойидан маълумотнома   | 1 нусхада |
| 4.  | Умумий ўрта таълим мактаби директори имзоси билан тасдиқланган маълумотнома (туғилган йил ва санаси кўрсатилган ҳолда фотосурати билан) | 1 нусхада |
| 5.  | Сугурта полиси  | 1 нусхада |

*Низомга 3- ИЛОВА*

**“Умид ниҳоллари” спорт мусобақасида умумжамоа натижалари балларни ҳисоблашнинг намунавий тизими**

| Эгаллаган ўрни | Баллар |      |
|----------------|--------|------|
| I -ўрин        | 15     | балл |
| II -ўрин       | 13     | балл |
| III -ўрин      | 12     | балл |
| IV -ўрип       | 11     | балл |
| V -ўрин        | 10     | балл |
| VI -ўрин       | 9      | балл |
| VII -ўрин      | 8      | балл |
| VIII -ўрин     | 7      | балл |
| IX -ўрин       | 6      | балл |
| X -ўрин        | 5      | балл |
| XI -ўрин       | 4      | балл |
| XII -ўрин      | 3      | балл |
| XIII -ўрин     | 2      | балл |
| XIV -ўрин      | 1      | балл |

**Изоҳ:** баллар ҳисоблаш тизимига ҳудудларда жамоа сонидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш киритиш мумкин.

Низомга 4-ИЛОВА

**Турон яккакураши спорт турида техник ҳаракатларни  
бажарганлиги учун баҳолаш жадвали**

| т/р                          | Машқлар мазмуни   | 5-7 синф   |           | 8-9 синф |               |
|------------------------------|---|--|-----------|----------|---------------|
|                              |   | Аъло   | Қониқарли | Аъло     | Қониқарли     |
| 1                            | Олдига умбалоқ ошиш   | 2  | 1         | 2        | 1             |
| 2                            | Орқага умбалоқ ошиш   | 2  | 1         | 2        | 1             |
| 3                            | Кўприк усулда туриш   | 3  | 1         | 3        | 1             |
| 4                            | Қўлларга таяниб ён тарафга айланиш (колесо), чап ва ўнг томонга | 3  | 1         | 3        | 1             |
| 5                            | Оёқ ва қўлларда зарбалар намойиши                               | 4  | 2         | 4        | 2             |
| 6                            | Йиқитиш усуллари намойиши (бросок)                              | 4  | 2         | 4        | 2             |
| 7                            | Йиқилишда ҳимояланиш техникаси (страховка)                      | 4  | 2         | 4        | 2             |
| 8                            | Шпагат ўтириш   | 5  | 3         | 5        | 3             |
| 9                            | Оёқдан қўлга – қўлдан оёқга (фляк)                              | 5  | 3         | 5        | 3             |
| 10                           | Оёқдан оёқга (сальто)   | 5  | 3         | 5        | 3             |
| 11                           | Ҳаракатларнинг аниқлиги   | 4  | 2         | 4        | 2             |
| 12                           | Бажариш тезлиги   | 4  | 2         | 4        | 2             |
| 13                           | Техник амалларни бир-бирига ҳамоҳанглиги                        | 4  | 2         | 4        | 2             |
| <b>Беллашувларни баҳолаш</b> |   |  |           |          |               |
| <b>Техник ҳаракатлар</b>     |   | <b>Таснифи</b>   |           |          | <b>Баҳоси</b> |
| Зарба:                       |   | қўл ёки оёқ билан бажарган техник ҳаракат                                      |           |          | 1 балл        |
| Усул:                        |   | рақибини тик турган ҳолатдан ётқизган ҳолатга тушириб ўзи қулай шароитда қолиш |           |          | 2 балл        |
| Оғритма:                     |   | рақибини қўл ва оёғига оғритма техник ҳаракат бажариш                          |           |          | 4 балл        |
| Жарима:                      |   | турон яккакураши қонун-қоидаларини бузиш                                       |           |          | -2 балл       |

Низомга 5-ИЛОВА

**Ўзбек жанг санъати спорт турида комплекс машқларни  
хисоблаш учун ҳакамлик варақаси**

|   |   |   |   |   |   |   |   |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Гилам _____ Тоифа _____<br>Исм-фамилияси (оқ) _____<br>Вилоят _____ |   |   |   | Гилам _____ Тоифа _____<br>Исм-фамилияси (яшил) _____<br>Вилоят _____ |   |   |   |
| БАҲО  | 1 | 2 | 3 | БАҲО  | 1 | 2 | о |
| Маҳорат учун  |   |   |   | Маҳорат учун  |   |   |   |
| Куч бирлиги учун  |   |   |   | Куч бирлиги учун  |   |   |   |
| Ҳаракат уйғунлиги   |   |   |   | Ҳаракат уйғунлиги   |   |   |   |
| Якуний баҳо   |   |   |   | Якуний баҳо   |   |   |   |
| Ғолиб Ф.И.Ш.:   |   |   |   |   |   |   |   |
| <b>Беллашувларни баҳолаш</b>  |   |   |   |   |   |   |   |
| <b>Техник ҳаракатлар</b>  |   |   |   | <b>Баҳоси</b>   |   |   |   |
| 1-зарба   |   |   |   | 1 балл (1 -баҳо)  |   |   |   |
| 2-зарба   |   |   |   | 2 балл (2-баҳо)   |   |   |   |
| 3-зарба   |   |   |   | 3 балл (12-баҳо)  |   |   |   |
| “Соф”   |   |   |   | ғалаба 12 балл  |   |   |   |
| 3 та огоҳлантириш   |   |   |   | рақибга 1 рағбат баҳо   |   |   |   |
| “Жазо”  |   |   |   | рақибга тўлиқ ғалаба  |   |   |   |

Халқ таълими вазирининг  
2016 йил 30 августдаги  
219-сонли буйруғига  
2-ИЛОВА

**“Умид ниҳоллари” спорт мусобақасини мактаб, туман (шаҳар),  
Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар  
ва вилоят босқичини ўтказиш бўйича ташкилий  
қўмита таркиби**

| Т/р | Ф.И.Ш.          | Лавозими  |
|-----|-----------------|---|
| 1.  | Д. Кенжаев      | Халқ таълими вазири ўринбосари, раис  |
| 2.  | А. Алимов       | Халқ таълими вазирлиги, бошқарма бошлиғи, раис ўринбосари   |
| 3.  | Б. Сафаров      | Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти раисининг биринчи ўринбосари, аъзо  |
| 4.  | Б. Агзамов      | Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби директори, аъзо   |
| 5.  | Лавозимига кўра | Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, аъзо |

*Изоҳ: Ташкилий қўмита таркибига кирувчи шахслар бошқа ишга ўтган тақдирда қўмита таркибига тегишли лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.*

*Ишчи гуруҳи таркибига Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи билдиришномасига асосан вазирлик раҳбарияти томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

**Bosh muharrir:**

Mahmudov Sarvar Yuldashevich

**Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:**

Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

**Mas'ul kotib:**

Tashxanov Nurbek Aybekovich

**Badiiy muharrir:**

Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

**Tahrir hay'ati:**

Ulug'bek INOYATOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO'RAYEV,  
Hikmatilla RASHIDOV, G'ayrat SHOUMAROV,  
Sharifjon ERGASHEV, Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV,  
Maqsudjon YULDASHEV, Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV,  
Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.

E-mail: xalq\_talimi@xtv.uz Tel: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

"PRINT LINE GROUP" xususiy korxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Bunyodkor shoh ko'chasi, 44-uy.

Bosishga ruxsat etildi: 04.10.2016-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32.

Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 18 087 nusxa.

-buyurtma.

Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas'ul – Sattarova Xulkara Ravshanovna